

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛТЕТИ

“Миллий ғоя ва фалсафа”

кафедраси

“5111600-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими ” йўналиши

21-11-гуруҳ талабаси *Содиқов Шерзоднинг*

“Тасаввуфда гўзалликнинг эстетик талқини”

(Нақшбандия тариқати мисолида)

мавзусида бажарган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Раҳбар: “Миллий ғоя ва фалсафа” кафедраси

ўқитувчиси Ғ.О.Омонов

Гулистон – 2015

Битирув малакавий иш Гулистон давлат университетининг 2015 йил 15 апрелдаги 137-С-сонли буйруғи билан тасдиқланган Давлат аттестация комиссиясининг ____–сонли йиғилишида муҳокама қилинди ва “ ____ ” балл билан (_____) баҳоланди.

(аъло, яхши, қониқарли)

Битирув малакавий иш “Ижтимоий-иқтисодий” факултетининг 2015 йил “ ____ ” _____ даги ____–сонли Илмий-услубий кенгаши қарори билан Давлат аттестацияси комиссиясига ҳимоя қилиш учун тавсия этилди.

Факултет декани

А.Маматов.

Битирув малакавий иш “Миллийғоя ва фалсафа” кафедрасининг 2015 йил “ ____ ” _____ даги ____–сонли йиғилишида муҳокама қилинди ва ҳимояга тавсия этилди.

Кафедра мудири

Р.Ж.Маҳмудов.

БМИ бажарувчи “5111600-Миллий ғоя,маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” таълим йўналиши 21-11-гуруҳ талабаси _____ Ш.Содиқов

Раҳбар “Миллий ғоя ва фалсафа” кафедраси

ўқитувчиси _____

Ғ.О.Омонов

Гулистон – 2015

МУНДАРИЖА:**КИРИШ****1-БОБ. ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ ВА УНИНГ ЭСТЕТИК
ТАФАККУР ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ**

1.1. Тасаввуф таълимотидаги асосий йўналишларнинг
эстетик моҳияти.....9-17

1.2. Нақшбандия тариқати намоёндаларининг эстетик
қарашлари.....18-31

**2-БОБ. НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ФАЛСАФИЙ-
ЭСТЕТИК МОҲИЯТИ**

2.1. Нақшбандия тариқатида гўзаллик талқини.....31-42

2.2. “Дил ба ёру - даст ба кор” ғоясининг ахлоқий-эстетик
мазмунни.....43-51

**3-БОБ. НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ШАХС
ЭСТЕТИК КАМОЛОТИДАГИ АҲАМИЯТИ**

3.1. Баркамол инсонни шакллантиришда тасаввуфнинг
ўрни.....52-60

3.2. Нақшбандийлик тариқатида шахс эстетик тарбиясига
доир қарашларнинг аҳамияти.....61-68

ХУЛОСА69-72

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....73-74

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги.

Давлатимиз мустақилликка эришгач, жамиятимизнинг барча жабҳаларида туб ислохотлар, шунингдек, шу асосда турли соҳаларда ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юксак ахлоқли, маънан ва руҳан етук инсонни камол топтиришга қаратилган ўзгаришлар амалга оширилди. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларда ҳақиқий инсонпарварлик, ватанпарварлик мужассамланганлиги, маънавий-маърифий соҳаларда ҳам туб бурилишлар рўёбга чиққанлиги бундан далолат беради.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосида инсон камолоти ётади. Инсон камолотининг асосий омили ва воситаси таълим-тарбиядир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Юртига, ватанига муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятдир. Ана шундай ноёб инсоний фазилатларни асраб-авайлаш ва янада такомиллаштириш, фарзандларимизни озод ва обод Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи керак”.¹

Мустақиллик бизга ўтмишдаги бой маънавий меросимиз дурдоналарини ҳақиқий, илмий маънода ўрганиш бахтига мушарраф этди. Улуғ аждодларимизнинг юбилейи ўтказилиши, уларнинг асарларини нашр қилишга кўрсатма берилиши жаҳоншумул аҳамият касб этади.

Нақшбандия таълимотининг Ислом оламида кенг кўламда тарқалганлигининг боиси – бу таълимотнинг халққа яқинлигидир. Тариқатнинг “Кўлинг меҳнатда - қалбинг Аллоҳда бўлсин ” шиори кўл меҳнати билан ҳалол тер тўкиш эвазига ҳаёт кечирини тарғиб қилишини ифодалайди. Тариқатга кирган киши халқни, оиласини обод қилиш, савдо-сотик билан шуғулланишга

¹ Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1994, 160-бет.

имкониятига эга бўлган. Шунинг учун ҳам бу тариқат тез ривожланиб, кенг тарқалган.

Мазкур таълимот инсондаги хуш хулқ-атвор покиза, адолатли саъи-харакатларни халқдан ажралмасдан, аввал ўзида пайдо қилиш орқали комиллик даражасига етишишни, сўнгра эса бошқаларни ҳам халоллик, меҳр-мурувват, эзгулик, адолатлилиқка чақиришга даъват этади.

Нақшбандия таълимотининг фалсафий ахлоқий-эстетик ғоялари миллий истиқлол мафкураси учун негиз, пойдевор бўлганлиги учун уни тадқиқ этиш долзарб масаладир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда Баҳоуддин Нақшбанднинг фалсафий, ахлоқий-эстетик қарашларини ўрганиш ва алломанинг илғор таълимотини таълим, фан, маориф, маънавий ижтимоий соҳаларга олиб кириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Шунга кўра ишнинг долзарблигини қуйидаги жиҳатлар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, нақшбандия таълимоти миллий истиқлол ғоясининг диний, маънавий илдизидир. Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси – озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаётни таъминлашга хизмат қилади. Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандия тариқати аҳлининг бунёдкор қалби ва эзгу амали мустақил Ўзбекистонда Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, ўзаро ҳамкорлик ва ёш авлодни тарбиялашда асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қила олади;

Иккинчидан, тасаввуфдаги гўзалликни билиш, идрок этиш инсон бадиий эстетик тафаккурини ўстиради. Нақшбандия тариқати намоёндаларининг эстетик қарашларини ўрганиш, баҳолаш, ибратли томонларини кўрсатиш ҳозирги давр шахсини комил инсон қилиб шакллантиришда алоҳида ўрин эгаллайди;

Учинчидан, миллий истиқлол ғояси ва мафкуравий жараёнларнинг маънавий соҳадаги асосий вазифаларидан бири аждодларимизнинг илғор қарашларини, инсонийлик моҳиятини кенг жамоатчилиқка тушунтириш борасидаги ишларни давом эттириш, токи бу қарашлар халқимизнинг минг

йиллик тарихи, бугунги маънавий ҳаётимизнинг ҳам асоси экани ёш авлод онгига сингиб борсин. Шу маънода Нақшбанднинг “Қўлинг меҳнатда қалбинг Аллоҳда бўлсин” ҳикмати биз учун муҳим ҳаётий тамойил бўлиб қолаверади;

Тўртинчидан, нақшбандия тариқати бошқа тариқатлардан фарқли ўлароқ, таркидунё қилмасдан, халқдан ажралмасдан, инсоннинг нафақат жисмоний ва ички руҳий, маънавий дунёсини мукамал тарбиясини ҳам қамраганлиги билан юқори камолот даражасига – яъни комил инсон бўлишига эришиш учун хизмат қилади; ўзининг моҳияти билан ягона Ҳақ йўлига, ҳалоллик, бунёдкорликка ундаган, меҳр-шафқат одамийлик, ватанпарварлик, эзгулик руҳи билан суғорилган нақшбандия таълимоти, ҳозирги замон кишисиди ҳам шундай гўзал хулқни шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур тариқатда инсоннинг ноёб руҳий заҳираларидан фойдаланиш орқали, унинг руҳиятини соғломлашуви, назорат қилиниши, бошқарилишига эришиш ҳамда руҳий қувватининг беқиёс ошувини таъминлаш билан шахснинг ички кечинмалари, юксак гўзал ҳис-туйғуларини яхшилик, эзгулик томон ўзгаришини тарғиб қилиши алоҳида эътиборга лойиқдир.

Мавзуни ўрганилинганлик даражаси.

Тасаввуф таълимоти, унинг улкан фалсафий-эстетик мероси замирида вужудга келган асарлар ниҳоятда кўп. Бугунги кунда тасаввуфнинг мазмун-моҳияти, ахлоқий-эстетик ғоялари файласуфлар, адабиётшунослар, тарихчилар, шарқшунослар ва дин арбоблари тарихчи олимлар томонидан ўрганилган.

Мазкур ишни қуйидагича туркумлаштириш мумкин:

1. Тасаввуф алломаси Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг фалсафий жиҳатларини ёритилишида А.Абдуқодиров, Г.Наврўзова, О.Шарипова, С.Исмоилов, З.Исоқова, А.Курбанмамедов, Р.Шодиевларнинг тадқиқотларини алоҳида кўрсатиш мумкин.¹

¹ Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти. Шаҳар, нашриёти, йили кўрсатинг.; Наврўзова Г. Нақшбандий тасаввуф таълимоти ва баркамол инсон. Шаҳар, нашриёти, йили кўрсатинг.; Шарипова О. Хожа Абдуҳолиқ Гиждувоний тасаввуфий таълимотида ахлоқий кадрятлар. Шаҳар, нашриёти, йили кўрсатинг.; Исмоилов С. Нақшбандия тариқатининг тасаввуф тараққиётидаги ўрни. Шаҳар, нашриёти, йили кўрсатинг.; Исоқова З. Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний-фалсафий талқини. Шаҳар, нашриёти, йили кўрсатинг.; Курбанмамедов А. Эстетическая доктрина суфизма. Шаҳар, нашриёти, йили кўрсатинг.; Шодиев Р. Суфизм в духовной жизни народов Средней Азии IX-XII вв. Шаҳар, нашриёти, йили кўрсатинг.;

2. Тасаввуф тариқатининг таълимий-ахлоқий меросини илмий асосда ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар сирасига Х. Ҳамроева, М.Ҳожиева, К.Қиличева, С.Нишоноваларнинг илмий ишларини киритиш мумкин.¹

Ишнинг мақсад ва вазифалари:

тасаввуфдаги гўзалликнинг ўрни, нақшбандия тариқатидаги эстетик масалаларнинг ўзига хос хусусиятларини талқин қилиш

- тасаввуф таълимоти ва унинг эстетик тафаккур тарихида тутган ўрнини аниқлаш;

- тасаввуф таълимотидаги асосий йўналишларнинг эстетик хусусиятлари, Нақшбандия тариқати намоёндаларининг эстетик қарашларини ўрганиш;

- нақшбандия тариқатида гўзалликнинг эстетик талқини, “Дил ба ёру - даст ба қор” ғоясининг ахлоқий-эстетик мазмуни;

- баркамол инсон шаклланишида тасаввуфнинг ўрни, нақшбандийлик тариқатида шахсни эстетик тарбиясига доир қарашларнинг аҳамиятини ёритиб бериш;

Ишнинг илмий янгиликлари ва амалий аҳамияти.

- тасаввуф таълимоти моҳиятига фалсафий ёндошувнинг ўзига хослиги илмий ҳужжат ва манбаларга таянган ҳолда ёритиб берилди, тасаввуфни нафосатшунослик нуқтаи назарида тушунча тамойиллари таҳлил қилинди. Шунингдек, гўзаллик ва уни эстетик талқин этилиб, нақшбандия тариқатидаги ботиний ва зоҳирий гўзаллик талқинига оид қиёсий ёндошувлар тизимли равишда акс эттирилди.

- нақшбандия тариқатидаги гўзалликнинг эстетик хусусиятлари тадқиқ қилинди. Тасаввуфда ифодаланган ахлоқий гўзалликнинг ҳозирги кундаги аҳамиятига доир тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

¹ Ҳамроева Х. Алишер Навоийнинг тасаввуфий ғояларидан фойдаланиб ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш. Шаҳар, нашриёти, йили кўрсатинг.; Ҳожиева М. Хожа Аҳмад Яссавийнинг маънавий-тарбиявий қарашлари. Шаҳар, нашриёти, йили кўрсатинг.; Қиличева К. Баҳоуддин Нақшбанднинг таълимий-ахлоқий қарашлари. Шаҳар, нашриёти, йили кўрсатинг.; Нишонова С. Шарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси. Шаҳар, нашриёти, йили кўрсатинг.;

Тасаввуф таълимотидаги гўзалликнинг эстетик муаммоларини ўзига хос хусусиятларини очиб бериш ёшларни тарбиялашда, улар орасидаги тарғибот ишларида, баркамол авлодни шакллантиришда қўл келиши мумкин. Шунингдек, битирув малакавий ишда амалга оширилган хулосалар тасаввуф таълимоти нақшбандия тариқатидаги ботиний гўзалликни холисона, фалсафий ўрганиш мамлакатимизда шу борада олиб борилаётган кенг кўламли тадқиқот ишларини илмий-назарий нуқтаи назардан бойитиш ва ривожланишига ёрдам беради.

Тасаввуф таълимотидаги гўзалликнинг эстетик муаммоларини ўзига хос хусусиятларини очиб бериш ёшларни тарбиялашда, улар орасидаги тарғибот ишларида, баркамол авлодни шакллантиришда қўл келиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иш кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг умумий ҳажми 74 саҳифани ташкил қилади.

1- БОБ. ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ ВА УНИНГ ЭСТЕТИК ТАФАККУР ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

1.1. Тасаввуф таълимотидаги асосий йўналишларнинг эстетик моҳияти

Тасаввуф тадрижий таракқиётга эга таълимот бўлиб, ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Тасаввуф, бир томондан, дин ва шариат, иккинчи томондан, фалсафа ва ҳикмат илми билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган ўзига хос таълимотдир.

XII аср охири –XIV аср бошлари тасаввуф таълимотининг эстетик тафаккур тарихида алоҳида бир маҳсулдор даврдир. Бу даврга келиб, тасаввуф ҳам назарий-илмий нуқтаи назардан, ҳам амалий ҳаракатчилик нуқтаи назаридан ўзининг юксак чўққисига кўтарилган эди. Тасаввуф адабиётининг гуллаши ҳам шу даврга тўғри келади. Айниқса, Муҳйиддин ибн ал-Арабий, Яҳё Сухравардий, Имом Ғаззолий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд сингари мутафаккир шайхлар, Фаридиддин Аттор, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий каби улуғ сўфий шоирлар тасаввуф илмининг доирасини кенгайтirdилар. Уни фалсафа ва ҳикмат билан бойитдилар. Шунингдек, Ибн ал-Арабий ва Жалолиддин Румий каби алломаларнинг асарларида бутун бир фалсафий тизим ўз ифодасини топди, улар илоҳий кашфу каромат, руҳий-психологик ҳолатлар, ботиний латифликлар билан бирга реал инсоний ҳаёт ҳақида ҳам жуда кўп ажойиб фикрларни баён этдилар.

Тасаввуфнинг Мовароуннаҳрга кириб келиши Юсуф Ҳамадоний номи билан боғлиқ. “У ҳазрат Туркистонда тасаввуф дарахтини ўрнатган зотдир.”¹ Унинг дарвешлик мактабидан Ўрта Осиёда дарвешларнинг энг йирик вакиллари етишиб чиқдилар. Юсуф Ҳамадоний Бухоро, Самарқанд шаҳарларида ва Хоразмда фаолият кўрсатди. Бу ерда ўз тасаввуф мактабига

¹ Исмоилов С. Нақшбандия тариқатининг баъзи бир илдизлари хусусида.–Мустақил Ўзбекистон.: Фалсафа фанининг долзарб муаммолари. 1-жилд. –Т.: 6-17

асос солди. Унинг мактабидан келгусида, тўрт машхур шогирд: Абдулло Барқий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий, Абдулҳолик Гиждувонийлар етишиб чикдилар. Ва улардан иккитаси кейинчалик Туркистонда машхур бўлиб, оммавийлашиб кетган “яссавия” ва “хожагония” тариқатларининг асосчилари бўлдилар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ислом дунёси ва тасаввуф эстетик тарихий тараққиётида қатор туркистонлик муҳаддисларнинг жуда катта диний-ирфоний ва маънавий таъсири борлиги шубҳасиз. Булар имом Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Бурҳонуддин Марғинонийлар бўлиб уларнинг хизматини бутун дунё тан олган. Туркистонлик Аҳмад Яссавий (ваф. 1166), Нажмиддин Кубро (1145-1221), Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) каби валийлар эса тасаввуфнинг жаҳоншумул тариқатлари асосчиларидир.

Тасаввуфнинг хусусиятларидан бири, фақат назарий жиҳат билан чекланиб қолмасдан, балки тамойилларини тариқатлар йўли орқали амалий тадбиқ этишдир. Улар орасидан кўллаган услубига кўра, Тариқи аброр (қалби софларнинг йўли) - бу риёзат ва мужоҳада йўли бўлиб, ушбу тариқатнинг ўзига хос эстетик хусусияти унда ахлоқни гўзаллаштириш, қалбни поклаш асос қилиб олинган. Риёзатдан мақсад - нафс истакларини бажармаслик. Мужоҳада эса нафс истакларига қарши курашиш бўлиб, шу тарзда қалб ёмон хулқлардан тозаланиб, эзгу ахлоқ билан безанади. Тариқи шуттор (ишқ ва жазба аҳлининг йўли): бу ишқ муҳаббат, жазба йўли бўлиб, бу йўлда юрган солиқ иккинчи ҳолга, бир мақомдан иккинчи мақомга ўтиш орқали маънавий сайр қилинади. Шу боис бу йўлни “тариқи сайрин” ҳам дейдилар. Солиқ гўё ўлик мисол ҳамма нарсалардан воз кечиб, хатто ўз борлигини ҳам йўқ ҳисоблаши керак.

Тайфурия тариқати асосчиси Абу Язид Тайфур ал-Боязид Бастомий (848 й.в.э.) тасаввуфда “сақр” яъни илоҳий ишқ билан йўғрилган руҳ жўшқинлигига аҳамият берган ҳолни устун деб қабул этган. Нурия тариқатида эса Абул Ҳусайн Нурий (907 й.в.э.) исор (бошқаларни ўзидан афзал билмоқ), гўзал ахлоқ, фароғат ва суҳбат тарзини ёқлаган. Усмон Турар “мумтоз” деб тилга олган тариқатлардан қодирия тариқати саховат, ризо, сабр, ишорат, ғурбат,

саёхат, фақр ва жунли либос киймоққа, инсоннинг ички ахлоқий гўзаллигига кўп эътибор берган.

Ислом дунёсининг муҳим ва жуда кенг тарқалган тариқатларидан бири мавлавия тариқати бошқа тариқатлардан фарқли ўлароқ, кўпроқ халқнинг ўзига тўқ ва санъатқору мусикашунослар тоифаси орасида кенг тарқалган. Бунда гўзал санъатлар ва мусика билан бўлган яқин алоқанинг ҳам таъсири бор. Айниқса туркий тасаввуф ва снъат мусикасининг пайдо бўлишида бу тариқатнинг беқиёс хизмати синган. Бундан ташқари мавлавия тариқати бошқа тариқатлардан фарқли ўлароқ, Туркияда фольклорий аҳамият касб этган.¹

Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда асосий “Уч олтин тариқат” - Яссавия тариқати (XII аср), Кубровия тариқати (XII - XIII асрлар), Хожагон-Нақшбандия тариқати (XII-XIV асрлар) шаклланиб, кейинги асрларда ўз тараққиётини бошидан кечирди. (2-илова.)

Яссавия тариқати. Яссавия тариқатининг асосчиси туркистонлик Аҳмад Яссавийдир. Бу тариқатда муҳим ўрин тутган асослар қуйидагилардан иборат: маърифатуллоҳ, мутлақ жўмардлик, ростгўйлик, ҳақиқий таваккул ва теран тафаккур. Яссавия тариқати ҳам бошқа тасаввуфий тариқатлар каби “фано йўли”ни “Ҳаққа восил бўлиш” ни тарғиб этади. Ҳақиқатда Яссавий ҳаётида “фано” йўлига амал қилади ва бунга етишиш учун Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) йўлини танлади. У ҳазрат, пайғамбаримизнинг “фақирлигим-фахримдир” кудсий калималарини ўзининг доимий ҳаётий шиори қилиб олдилар ва бунга амал қилдилар. Бу ўринда “Фақр” тушунчаси маънавиятга алоқадор, яъни у инсонларнинг камтаринликда, одоб тавозеъда, гўзал ахлоқда яшашини англатади. Фақр йўлининг асоси бу ҳокисорлик, Яссавий ҳазратлари ибораси билан айтганда:

*Бошим тупроқ, ўзим тупроқ, жисмим тупроқ,
Ҳақ васлига етарман деб, руҳим муштоқ.²*

¹ Турар Усмон. Тасаввуф тарихи.–Т.: Истиқлол, 1999. Б-115

² Яссавий. Хикматлар. –Тошкент, Истиқлол. 1993. 32-бет.

Файласуф олима М.Нуратова тасаввуф фалсафасида бир неча йўналишлар мавжудлигини таъкидлаб, бу борада яссавий таълимоти ўзликни англаб, такаббурликни йўқотиб, фано холда Ҳақ Таолонинг дийдорини, жамоалини кўришдан иборатлиги ҳамда Ҳақ Таолонинг эркили эканлиги, яъни энг оддий ҳақитқат ҳам Яратганга боғлиқ эканлигини уқтиради.¹

Яссавия тариқати баъзи бир муаллифлар ёзганидек, “нисбатан содда тариқат” эмас, балки чин маънодаги халқчил, илғор ва аҳамиятли, кенг камровли тариқат эдики, у тасаввуф тадрижий тараққиётида ўзининг муносиб ўрнига эга. У ўзида умумий тасаввуфий эстетик ғояларни ифодалаб, бу борада бошқа тариқатлар билан узвий боғлиқдир.

Манбаларда Яссавий таълимоти нафақат тасаввуфий, балки туркий тасаввуф шеърятининг асосчиси сифатида дунёга машҳурлиги ҳам айтилади. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, Куръон ғояларининг адабиётга кўчиши тасаввуф таълимотининг халқ орасида кенг ёйилиши учун замин ҳозирлади. Бошқача айтганда, “шеърятда яширин маънолар, тасаввуф тушунчаларига мўлжалланган алоҳида тил пайдо бўлди, “лисон ул-ғариб” усулида ёзилган рубоийлар кўпайди. Энди адабиёт тасаввуфга хизмат қиладиган иллюстратив материал бўлиб қолмай, балки ўзи тасаввуф ғояларини баралла тарғиб эта бошлади, аниқроғи, тасаввуф ғоялари шеърят ғояларига айланди”.²

Яссавий дунёқараши ва Яссавия тариқати тўғрисида сўз юритилар экан, аввало унинг ҳикматларига, қилган амалларига ва Яссавий издошлари, жумладан Сулаймон Боқирғоний, Занги Ато, Атоий, Азим Хожа Эшон ва бошқаларнинг у ҳақидаги маълумоти таянилади.

Яссавий асарлари қуруқ насихатлар йиғиндиси, ҳам тасаввуф ва шариат ҳақидаги бетараф қарашлар, мулоҳазалар баёни эмас, балки ёмонликка нафрат, эзгуликни ҳимоя этувчи гўзал сатрлардир. Шу боис Яссавийнинг жуда кўп фикрлари ғазабкор оҳангда жаранглайди, шоир дунёни тарк этиш, зулмга чидаш, ишқ-муҳаббат ҳақида ёзар экан, буларнинг бари тасаввуф таълимоти

¹ Қаранг: Нурматова М. Шах камолотида ахлокий ва эстетик кадриятлар уйғунлиги. – Тошкент, “Университет”, 2009. Б. 29-30.

² Комилов Н. Тасаввуф ва бадий ижод. // Ёшлик. №8, 1991. - 76-б

талабларидан келиб чиққан шоирнинг илоҳсевар ва инсонсевар қалби нидоларидир.

Яссавий ўз тарихий хизматининг қимматини тўла-тўқис тушуниб, ўз бурчининг аъло бажо этилганини англаб дунёдан ўтган бахтиёр адибларнинг биридир. У ўз адабий меросининг салмоғини ҳаммадан тўғри ва мукамал тайин этиб берган.¹ Ўзидан мерос қолган ва бизнинг кунларимизгача “Девони Ҳазрати Хожа Яссавий” номи билан етиб келган шеърий ваъзлар ва насихатлар тўплами ҳақида Яссавий айтган эди:

*Ғариб Аҳмад сўзи ҳаргиз қаримас,
Агар ер остига кирса, чуримас.*

Қуръоннинг мазмуни Яссавий таълимотининг мағзини ташкил этади:

*Мани ҳикматларим – фармони субҳон²,
Ўқиб уқсанг, ҳамма маънийи Қуръон.³*

Яссавий шариатни тўла тўқис тан олишдан ташқари Аллоҳни севишни ҳам тарғиб этади ва шу сабабли у тариқатнинг раҳнамоларидан бири бўлиб қолади. Яссавий Аллоҳни “Ёр” деб билади (Ёр – севикли, дўст маъносида) ва Аллоҳга сиғинганларнинг ҳаммасини “муҳаббат аҳли” дея атайти.

Яссавийнинг буюк хизматларидан бири шуки, у буюк ғоявий меросни туркийда яратди. Яссавий ўз асарларини туркийда ёздики, бу – у томонидан яратилган исломий адабиётнинг кўп миллионли туркий халқларнинг маданиятида абадий ўрин олди, демак эди. Бу бебаҳо тарихий хизмат биринчидан, Яссавий шеърияти халқчил ва халқсевар, ҳақсевар шеъриятидир. Унинг ғоялари инсоният қозонган энг ардоқли ғоялар қаторида абадий яшаб келаётганлигини таъминлайди. Иккинчидан, Яссавийнинг нафс, ўз-ўзини

¹ Иззат Султон. Баҳоуддин Накшбанд абадияти–Т.: Фан, 1994.12-б

² Фармони субҳон – Аллоҳни мадҳ этишга чакириш.

³ Иззат Султон. Баҳоуддин Накшбанд абадияти–Т.: Фан, 1994.6-13

поклаш ва маънавий камолот ҳақидаги қарашлари бугунги кунда ҳам ёш авлодни баркамол авлод бўлиб шаклланишида қўл келади.

Кубравия тариқати. Бир неча асрлар давомида Шарқу-Ғарб халқларининг маънавиятида кучли ижобий таъсир кучига эга бўлган, тасаввуфдаги кубравия тариқати Ватанимиз сарҳади кўхна Хоразмда XII асрнинг сўнгги чораги ва XIII асрнинг бошларида вужудга келди. Халқ бу тариқатни улуғлаб, яъни “Тариқати заҳабия”, яъни “олтин тариқат” деб атаган. Ушбу тариқатга Аҳмад ибн Умар Абул Жаноб ал-Ҳевакий ал-Хоразмий (1145-1221) асос солган.

Аҳмад ибн Умар тарихда “Нажмиддин”, “Кубро”, “Таммат ул-Кубро” (Энг буюк хотима), “Шайх вали тарош”, “Шайх Нажмиддин Кубро” каби шарафли номлар билан маълум ва машҳурдир. Яъни дин ва тасаввуф тарихидаги эришган камолотлари эвазига “Нажмиддин” – арабча “Дин юлдузи”, “Кубро” – арабча “улуғ олим” “Шайх валитарош” – “Валийлар тарбиячиси, валийлар етиштирадиган Шайх” каби номларни олган.

Кубравия тариқатининг моҳияти “Ўлмасдан бурун ўлингиз” ҳадиси билан белгиланади. Бу ҳадис шарифнинг мазмуни то жисмонан ўлишгача, ўз танангизда мавжуд ҳою ҳавас, истаклардан кечиш кераклигини билдирадики, бундай ўлим инсон руҳиятини ҳақиқий, абадий гўзал ҳаётга олиб боради. Бу йўл руҳни поклаш йўлидир. Покланиш асоси эса Нажмиддин Кубро талқинига кўра тана поклиги, хилват, давомли сукут, рўза, зикр, таслимиёт, хотира поклиги, ҳидоятга йўлловчи пир, эҳтиёжга кўра уйқу, емоқ ва ичмоқда меъёр. Улар инсон руҳиятига таъсир этади.

. Мутасаввуф руҳоний кечинмалар, нозик ҳолатларни пухта билганидан, шунга мувофиқ “латоиф” назариясини ишлаб чиқди. Бу назарияга биноан, инсон руҳи кўзга кўринмас бир латиף марказлардан иборат. Бу онг ва туйғу, руҳ ва жисм орасидаги бир нарса. У шундай нозикки, уни илғаб олиш мушкул. Аммо инсон ҳаётида бу “латиף” марказларнинг аҳамияти катта. Нажмиддин Кубро назарида нуқта, доғ ва доира мурид руҳий ҳолатлари ўзгаришида муҳим хизмат қилади. Доира –

фалак доираларининг айланиши, доғ – дунё тимсоли ва нуқта – ваҳдатдир. Доира доимо айланишда, у доғни ҳам ўз ичига олади. Аммо булар марказга томон, яъни, Нуқта сари интилади. Нуқта моҳиятини англаш орқали Аллоҳ оламини идрок этса бўлади.

Кубравия тариқатида ранг муҳим ўрин тутди. Мурид руҳи, шунингдек, хаяжонлар, хайратлар ичра турли рангларга ҳам дучор бўлади. Доира, доғ ва нуқта айланиши ва алмашилиши ранглар алмашилишини ҳам қамраб олади: руҳнинг ҳислар босқичидаги тараққиёти қора рангда, кейин қизғиш рангда кечади. Сўнгра яшил ранг кўришиб, илоҳий оламнинг яқинлигидан далолат беради.¹ Нажмиддин Кубронинг ранглар ва шакллар билан боғлиқ руҳи, психологик тажрибалари кейинги сўфийлар томонидан ривожлантирилган.

Нажмиддин Кубро “Бешиқдан то қабргача илм изла” ҳадиси шарифига амал қилган. У узоқ ўлкаларда юриб, диний, илоҳий, ладуний илмлар билан бирга дунёвий илмларни ҳам ўрганишга эришди. Унингча, ҳар икки билимнинг ҳам натижаси кишини Ҳақ жамолига олиб боради.

Фалсафий-эстетик фикр тараққиёти нуқтаи назардан кубравия тариқатида инсон заковати ва ақлий-важдий қобилиятига юксак баҳо берилади. Бу борада айтадики: “Валоят (валийлик) одам боласига азалдан насибадир, чунки одам Парвардигорнинг суйган махлуқи, Парвардигор одамга ақл берган, ботиний нур берган, уни кулли мавжудотдан афзал қилиб яратган”. Мана шу фикр тариқат куброси бўлган Нажмиддин Кубронинг қарашлари мағзини ташкил этади.

У рубоийларидан бирида дейди:

*Зинҳор мазан ту таъна бар дарвешон,
Хастанд эшон, чунончи ҳастанд эшон.
Хоҳи, ки бидони, ки киёнанд эшон –
Як олам мис биёру як жав² зи эшон.*

¹ Комилов Н. Тасаввуф. –Тошкент: Мовароуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. 418-б

² Жав – арпа, аммо бу ерда энг кам ўлчов бирлиги, мажозан арзимас, демакдир.

(зинҳор, сен дарвешларни таъна билан таҳқирлама, улар қандай бўлсалар – шундайдирлар. Агар уларнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, бир дунё кумуш танга олиб боргин-да, улардан бир дона жав олиб келгин).¹

Нажмиддин Кубро фақатгина тариқат асосчисигина эмас, балки улуф шайх, буюк донишманд, чин ватанпарвар, миллий қахрамон, меҳрибон устоз, бағрикенг шижоатли инсон эди. Унинг тасаввуф тарихидаги хизмати Нажмиддин Комиловнинг қайдига кўра, “жавонмардлик ғояларини тасаввуфга жорий этиш бўлди.”² Бу ҳолат оддий халқни зулмдан қутқариш, эзгу, хайрли ишларга ҳайрихоҳлик, ватанпарварлик каби фазилатларни ўзида мужассам этиш орқали намоён бўлади. Аллома жавонмардлик аҳли футувват ҳаракати анъанаси фидойиси бўлганлиги боис Ватан озодлиги, мустақиллик учун курашган.

Нажмиддин Кубронинг жавонмардлик ғоялари бугунги кунда катта аҳамиятга эга эканлиги биринчидан, баркамол авлодни элим деб, юртим ёниб яшашга қалбида ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда, иккинчидан буюк ватандошимизнинг авлодларга қолдирган ҳам назарий, ҳам амалий мероси ёш авлод қалбида ўз ватанидан, аждодларидан фахрланиш туйғусини шакллантиради, уларга муносиб авлод бўлишга ундайди.

Бу тариқатнинг ўзига хос эстетик хусусияти ботиний ахлоқий гўзаллик билан зоҳирий гўзалликнинг мутаносибликда, уйғунликда олинишидир. Бу уйғунлик машҳур “даст ба кору дил ба ёр” ғоясида ўз инъикосини топган. Агар Яссавия тариқатида “ўлмаё туриб ўлиш”, бу дунёга боғлаб турган ўткинчи ҳою-ҳаваслардан ва умуман борлиқдан воз кечиб, “фано филлоҳ” мақомига етиш, доимо тоат-ибодат билан яшаш тарғиб этилса, Баҳоуддин Нақшбанд тариқатида эса тоат-ибодат бошқача тушунилади. Нақшбанд фикрича, ибодат ўн қисмдан иборат, ибодатнинг ўндан тўққиз қисми – ҳалол касб талабига амал қилишдир ва шундан ўндан бир қисмигина бошқа ибодатлардир – намоз, рўза ва бошқалар.

¹ Комилов Н. Тасаввуф. –Тошкент: Мавороуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. -403 б.

² Ўша асар. 6-24

Бу исломда сўнги пайғамбар замонидан бўён ўртага ташланган юксак гўзал инсоний таълимот эди.

Баховуддин қисман ҳазрати Султонул орифийн Аҳмад Яссавий изидан бориб, унинг нафс ва таъмагирликни қоралашига амалий жавоб тариқасида Туркистонда биринчилардан бўлиб, дарвеш, сўфийларнинг ҳам меҳнат, касб-хунар билан шуғулланиб, ҳам илм-маърифат олишини ёқлаб чиқди. Инсоннинг қўли меҳнатда, хаёли Аллоҳда бўлиши керак деб ҳисоблади ва бу таълимотни ихчам, лўнда қилиб: “Даст ба кору дил ба ёр” ғоясида теран ифодалади. Нақшбандия тариқати ҳозирги кунгача маълум ва машҳурдир. Шунинг учун ҳам бу тариқат комил инсонни шакллантиришда ахлоқий гўзалликни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Қолаверса, имон, тилак, интилишни ўзида мужассамлантирган машҳур калима “Даст ба кору дил ба ёр” инсонларни имонга, бунёдкорликка, гўзалликка чорлайди.

1.2. Нақшбандия тариқати намोёндаларининг эстетик қарашлари

Нақшбандия тариқати жамиятдаги барча табақаларнинг манфаатига бирдай мослиги учун XV асрдан эътиборан Мовароуннахр ва Хуросондан Қоҳира ва Босниягача, Гансу ва Суматра, Шимолий Кавказдан, Ҳиндистон жанубигача, ҳатто Арабистоннинг Хижоз шаҳригача етиб борди. Нақшбандия таълимоти Муҳаммад Порсо, Маҳдуми Аъзам, Саъдиддин Қошғарий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Хожа Муҳаммад ал-Боқий Қобулий, Хожа Аҳмад Фарруҳ Сирҳиндий, имом Раббоний асарларида, қарашларида ҳар томонлама ривожлантирилди.

Хожагон-нақшбандия машойихлари фалсафий-эстетик дунёқарашда исломий амр ва тақиқларга шунчаки итоатлар билан эмас, балки гўзал азимат (тақво) билан амал қилиш муҳим ўрин тутди.

Хожагон-нақшбандия тариқатининг асосчиси Абдулҳолиқ Гиждувоний Шарқ фалсафий-эстетик тафаккур тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг эстетик, тасаввуфий фалсафий қарашлари “Маноқиби Хожа Юсуф Ҳамадоний”, “Васиятнома”, “Маслак ул-орифин”, “Рисолаи салоҳия”, “Рисолаи шайх уш-шуюх хазрати Хожа Юсуф Ҳамадоний”, “Мақсад ас-соликин”, “Одоби тариқат” каби асарларида баён этилган.

Тасаввуф илоҳий муҳаббат ҳақидаги илмдир. Чунки тасаввуф илоҳий маърифатни эгаллаш, Аллоҳнинг сифат ва исмлари орқали унинг зотини билиш ва танишни талаб қилади. Буни ақл ва назарий тафаккурий билимлар билан эмас, балки яширин бир ички туйғу, ботиний басират, яъни муҳаббат воситасида амалга ошириш мумкин деб таълим беради. Муҳаббат – дил ибодатидир. Бу ҳақда Абдулҳолиқ Гиждувоний шундай ёзган: Эй дил, сен уни жон билан ўқи, Қалб қўри билан ўқи. Уни тил билан ўқиб бўлмайди.

Яна Хожаи Жаҳон шундай деган:

Боргил, риёни тарк этгинки, риё бўлса гар,

*Минг йиллик ибодатингни ярим арпага ҳам олмайдилар.*¹

Яъни ибодат холис, риёсиз бўлсагина натижаси бўлади ва самара беради.

Файласуф олима Г.Наврўзова тариқат аҳлининг бош вазифасини Яссавий Аллоҳга яқинлашиш учун жамиятдан узоқлашишни, унинг ташвишларидан юз ўгириш, узлатга кетиш, таркидунё этиш дея таъкидласа, Ғиждувоний жамиятга хизмат этишни ўша муқаддас вазифа – Аллоҳга яқинлашишнинг энг муҳим йўли, - деб уқтиради.²

Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг тасаввуфий-эстетик қарашлари ваҳдати вужуд таълимотига асосланган. Бу таълимот мусулмон Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, унда борлиқ Аллоҳнинг тажаллиси деб қаралади. Худонинг гўзаллиги, жамоли ва жалоли борлиқда кўринади ва акс этади. Худо, борлиқ ва инсон бирлиқда қаралади. Ҳаққа етишиш ва уни идрок қилиш суфийлик йўлини ихтиёр этган солиқлар учун камолотнинг юксак чўққиси ҳисобланади. Тирик мавжудотлар ичида энг мукаммали ва аълоси инсондир. Ғиждувоний ва бошқа мутасаввифлар бутун борлиқ ва мавжудот бирдир, деб ҳисоблайдилар. Ғиждувоний зоҳирий ва ботиний ишларда пок бўлишга, қалбни тоза тутишга, дунёвий ишларда инсонларга яхшилик қилишга, ҳаром-хариш ишлардан узоқ юришга даъват этади. У зоҳирий, яъни дунёвий муаммолар билан машғул бўлишни инкор қилмаган. Зеро, инсон Ҳақнинг васлига етишга бу дунёда тайёргарлик кўриши, ўзини маънавий-ахлоқий жиҳатдан поклаб бориши лозим. Мутасаввуф ўзининг “Маслак ул-орифин” китобида ботиний билимларни ўрганиш билан бир қаторда зоҳирий билимларни ҳам ўрганиш шарт деб билади.

Ғиждувонийнинг диний-ирфоний, эстетик қарашларида тасаввуф йўлини ихтиёр этган солиқлар дунёвий ва диний илмларни эгаллаши ва шу йўл билан яхши хислат ва фазилатларни касб қилиб комиллик ва етукликка эришиши мумкинлиги ҳақида қимматли фикрлари мавжуд. Дунёвий билимларга ул зот

¹ Наврўзова Г. Нақшбандийлик – бунёдкор ғоя// Имом ал-Бухорий сабоқлари №2-3. 2003

² Иззат Султон. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти–Т.: Фан, 1994.28-б

шариат, фикҳ ва ҳадисни киритади. “Илм ўрганишдан бир он узоқ қолма, айниқса фикҳ, ҳадис ва тафсир ўқи”,¹ - дейди Хожайи жаҳон.

Ғиждувоний дунёқарашида нафсни тийиш, сабр-бардошли, гўзал ахлоқли бўлиш масаласи муҳим ўрин эгаллайди. Бу борада унинг “Васиятнома” ва бошқа асарларида айтган фикр-мулоҳазалари, пурмаъно ҳикматли сўзлари, эстетик қарашлари муҳим аҳамиятга эга. Ғиждувоний комил инсонлик мартабасига ўнг қўлда Қуръони каримни, чап қўлда Ҳадиси шарифни ушлаган ҳолда, уларнинг нури билан юрган кишигина эриша олади дейди.

Ғиждувоний ҳар кимга ўзининг ташқи қиёфасига зеб бермасликни ўргатади, чунки ташқи зеболикка интилиш ички (маънавий) қашшоқликдан, “харобликдан” гувоҳлик беради. Ҳар ишни холис, яхши ният билан, дилдан бажариш ва ҳеч бир ишда манфаатпарастликка йўл қўймаслик – Ғиждувоний тариқатида жуда муҳим талаблардандир.

Ботиндаги нафс Ғиждувонийнинг таъкидлашича, солиқ учун биринчи тўсиқ ҳисобаланди. У “Нафсингизни эҳтиёт қилинг. Нафс ботин ишидир. Киши доимо Аллоҳ билан бўлсин ва хотирида ўзга нарсага йўл қўймасин”, дея фикрини баён этади. Инсон сабр-қаноат билан тўғри яшаши, руҳини, иродасини чиниқтира бориши, инсонийликка эриша боришидир. “Нафсининг камолот йўли хотиржамликка етишдир. Бунинг жуда катта жидду жаҳд билан амалга ошиши ва натижада зулмонийликдан покланиши даражасига етишиши” ни айтиб қуйидаги рубоийни баён этади :

*Рақс бу шундай нарса эмаски, ҳар онда турсанг,
бедор бўлсанг, дўст бўлсанг ва орадан кетсанг,
рақс улдирки, икки жаҳондан чиқсанг,
юрагингни пора этсанг ва қайтиб тирилсанг.²*

Бу рубоийни ўқиб киши гўзал эстетик манзарага дуч келади. Яъни, рубоийда Ғиждувоний руҳнинг камолотини рақс санъатига ўхшатади. Руҳнинг

¹ Алиқулов Ҳ. Фалсафий мерос ва маънавий-ахлоқий фикр ривожини. (Асарлар ва мақолалар тўплами) –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2009. 39-б

² Абдулҳолик Ғиждувоний. Васиятнома–Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.1993, Б3-13

ракси, яъни камолоти бу шундай нарса эмаски, ҳар онда турсангиз. Бунда бедор ва дўст бўласиз яъни сиз билан Аллоҳ ўртасида ҳеч нарса қолмайди, хижоблар кўтарилади. Икки жаҳондан чиқасиз, юрагингизни пора этасиз ва қайта тириласиз, деб башарий сифатдан ўлиб, илоҳий сифатда тирилишини айтади.

Ғиждувоний яссавийча тариқатдаги таркидунё ғоясини рад этиб, мусулмонликда у дунё учун бу дунёдан кечиш зарур эмаслигини тасдиқ этди. У, образли қилиб, шартли равишда айтганда, икки дунёни мусулмонлар тушунишида яраштирди, бирлаштирди. Исломиё тафаккурнинг ривожиди ва бизнинг халқларимиз онгида ислонинг мустаҳкам ўрнашида бу – олға томон босилган қадам эди.¹

Ғиждувонийнинг илм олиш, касб-ҳунар эгаллаш, нафсни тийиш, ҳалол ва пок яшаш, гўзал ахлоқли бўлиш ҳақидаги ахлоқий-эстетик қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бу: биринчидан, Ғиждувонийнинг эзгулик, гўзал хулқ, вақт ҳақидаги қарашлари кишини ўйлашга, ҳар бир ўтаётган умрини зое ўтказмасликка даъват этса, иккинчидан, ёшларнинг маънавиятини ўстиришда, эстетик онгини оширишда, миллий ғоя ва унинг илдизларини тарғиб ва ташвиқ қилишда амалий аҳамият касб этади.

Мовароуннаҳр ва Хуросон заминиди яшаб ижод этган буюк файласуф олим, шоир, тасаввуф назарийгчиси ва нақшбандия тариқатининг XV асрдаги йирик намоёндаси Абдурахмон Жомийдир.

Аллома ўзининг диний-ирфоний, ахлоқий, эстетик қарашлари билан мусулмон Шарқи оламида катта шуҳрат қозонган. Унинг асарларида давлатни оқилона бошқариш, севги-муҳаббат, гўзал ахлоқ ва хулқ-одоб қоидалари, илм-маърифат, таълим-тарбия, тасаввуф тарихи, мусиқа назарияси каби мавзулар ёритилади. Жомийнинг эстетик дунёқарашининг такомил топишида Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Низомий, Абдулқодир Мароғийларнинг таъсири кучли бўлди.

Жомий гўзалликка тасаввуф нуқтаи назаридан ёндашади; у табиат билан Худони айнанлаштиради, яъни табиат Яратганнинг тажаллиси, бироқ кўп

¹ Иззат Султон. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти–Т.: Фан.1994. 34-б

холларда унинг эстетик қарашлари Навоийга ўхшаб тасаввуф доирасидан чиқиб кетади ва табиат гўзалликнинг барча унсурларини (меъёр, уйғунлик, мутаносиблик, номутаносиблик) ўзида мужассамлаштирган воқелик сифатида намоён бўлади. Айниқса, «Ҳафт авранг» («Етти тахт»), дostonлар туркумида табиатга хурмат билан қарашга даъват этади; муҳаббат гўзаллиги инсон борлигининг онтологик илдизи сифатида юзага чиқади: муҳаббат йўқ экан, Олам ҳам ўз ҳаракатини тўхтатади – дея ўз қарашларини баён этади.

Санъатдаги гўзалликни Жомий шакл ва мазмун яхлитлигида кўради. Мазмун деганда у инсоннинг ғоявий-маънавий интилишини тушунади. У шоирлар ижодини таҳлил этар экан, ҳар бир шоир ўз услуби ва ўз нигоҳига эга эканини таъкидлайди. «Баҳористон» асарида эса шеърни юксак гўзаллик сифатида қуйидагича таърифлайди: «Ҳақиқатан ҳам шеър нечоғли гўзал, нечоғли фазилатга бой ва нечоғли юксак! Шеърдан буюкроқ фазилат бормикан?! Шеърдан сеҳрлироқ сеҳр бормикан?!

*Борми хуснга шеърдан кўра бой,
Хатидан четга чиқмайди чирой...
Юзига ташлаб мажоз кокилин,
Пардадан чўзар ҳақиқат тилин»¹.*

Жомий «Силсилат уз-заҳаб» («Олтин тизмалар») дostonининг сўнггида ҳам шеър ва шоирлик хусусида тўхталиб ўтади ҳамда бу муаммога икки боб бағишлайди. Буюк шоир наздида шеър (кенг маънода санъат) на фақат гўзалликдан ҳузурланиши, балки билишнинг ўзига хос воситасидир:

*Шеър чи бувад навои мурғи хирад,
Шеър чи бувад мисоли мулки абад...
(Шеър – донишмандлик қушининг навоси,
Шеър – мангулик мулкининг тимсоли)*

¹ Жомий. Баҳористон. Т., Ёзувчи, 1997, 66-67/б.

Айни пайтда шеър агар латофатдан, нафосатдан йироқ бўлса, шоирда истеъдод ва маҳорат етишмаса, сўз – мазмунга, мазмун сўзга мос келмаса, у – ўтмас молдек харидор тополмайди.¹

Жомийнинг “Ашиъа” фалсафий асарида “Раббимни Раббим кўзи билан кўрдим ва сен ким деб сўрадим. Деди: Сен”. мисралари келтирилади.² “Ваҳдат ул-вужуд” ғоясига асосан комил инсонлик ғояси вужуд бирлигини ифода этади. Чунки комил инсон мартабаси қисмнинг бутунга айланишидир. Бутун – Аллоҳдир. Қисм бутунга интилган сари мукаммаллашиб боради. Комил инсонлик поясига етгач, унда Ҳақ сифатлари жилваланади ва сену менга ўрин қолмайди, вужуд бирлашади. Навоий наздида бу:

*Васл нуридин кўз ул янглиз ёрур,
Ким ародин менлигу сенлик борур.*³

дея изоҳланади. “Лисон ут-тайр” достонидан маълумки, сайр охирида кушлар излаётган Семурғ куши ўзлари эканидан хабар топишади. Яъни:

*“Кўрдилар ўзин қаёнким тушиди кўз,
Аллоҳ-Аллоҳ не ажойибдур бу сўз.
Ким қилиб Семурғ ўттуз қуш ҳавас,
Ўзларин кўрдилар ул си мурғу бас”*⁴

Ибн Арабий “Аллоҳ бизга ўзини биз орқали англатади”⁵ деган фикрни илгари сурса, Навоий буни қуйидагича ифодалайди:

*Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсан ўзингдан истагил,*⁶

Жомий ҳақиқий ошиқнинг қиёфаси, руҳий ҳолатини Мажнун мисолида очиб беради. “Ишқ шундай оташки, агар юракка тушса, дилда нимани топса, ҳаммасини куйдиради. Мажнунга Лайли келди десалар Мажнун: “Менинг ўзим

¹ Қаранг: Чомй. Осор, дар ҳашт чилд, чилди сеют. Душанбе, Адиб, 1987, саҳ. 155.

² Абдурахмон Жомий (Мақолалар тўплами). –Т.: Фан, 1997. б-32

³ Навоий. Лисон ут-тайр. –Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, б-237

⁴ Навоий. Лисон ут-тайр. –Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, б-237

⁵ Суфизм в контексте мусульманской культуры. М.: Наука, 1987. С.37

⁶ Навоий. Лисон ут-тайр. –Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, б-238

Лайлиман” деб жавоб қайтаради. У ҳамма ерда, ҳамма нарсада фақат Лайлини кўради ва ҳатто ўзини ҳам Лайли қиёфасида тасаввур қилади. Бу ўринда ҳам вужуд бирлиги ғояси илгари сурилади.

Абдурахмон Жомий эстетик қарашларининг асосини тасаввуф фалсафаси, яъни ваҳдати вужуд ташкил қилади. Бу таълимот бўйича Худо, борлиқ ва инсон доимо бирликда, ўзаро алоқада бўлади. Зеро Аллоҳ дунёдаги барча нарса, ашё ва жисмларнинг, жониворлар ва инсоннинг Яратувчисидир. Аллоҳнинг гўзаллиги ҳамма нарсада намоён бўлади, турли қиёфада жилоланади, тажалли топади. Мутафаккирнинг “Ҳафт авранг” достонидаги “Силсилат уз-заҳаб”нинг иккинчи дафтари мажозий ва ҳақиқий ишқ тахлилига бағишланган. Жомий ишқни улуғлайди. Унингча, олам ва одамнинг яратилиши ҳам ишқ билан боғлиқ. Ишқ ва Унинг ҳукмидан холи инсон йўқ. Ишқ туфайли қалбда Аллоҳ зухур этади, инсон Аллоҳ висолига етади. Жомий ишқ ҳақида фикр юритиб, унинг юзага келиш асосини хусн билан боғлайди. Навоий муршиди фикрларини ривожлантириб, “Ҳайрат ул-аброр” достонида ишқ масаласига махсус боб бағишлаган. Ҳар иккала улуғ шоир ҳам ишқнинг юзага келиш асосини хусн билан боғлаши бежиз эмас. Зеро, хусн илоҳий мазҳардир. Шу сабабли у поэтик образ тарзида Ҳақ ва Унинг сифатини акс эттиради. Мумкинот ичра эса у одамда намоён бўлади.

Шеърятда дунёвий хусн соҳибининг илоҳий маъшук тарзида тасвирланиши ҳам шунга боғлиқ. Жомий айниқса сўзга алоҳида аҳамият беради. Одамнинг одамийлиги ундандир деб, ширин сўз, ёқимли гапни ҳатто шеърдан ҳам устун қўяди. “Тан ба чон зиндаву чок зинда ба дил” яъни тан жон билан тирик, жон эса қалб билан дейди.¹ Улуғ шоирнинг фикрича, қалби уйғоқ бўлмаса, ундай одам ўликдир.

Жомийнинг эстетик қарашларида, асарларида панд-насихат руҳи устуворлик қилади. Кишиларни эзгуликка, ҳалол ва пок бўлишга, камтаринликка чорлайди. Жомийнинг турмуш эстетикаси доир қарашлари ҳам диққатга сазовор. Аллома ҳар бир киши ўз умрини гўзал, ҳайрли ишларга

¹ Абдукодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти. ф.ф.д.автореферати–Т.:1998, 102-б

сарфлаши, уни беҳуда ўтказмаслиги, яхши яшаши учун овқатланиш одобига эътибор бериши зарур, деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, инсон овқатланганда тартиб-қоидаларга риоя қилмоғи зарур. Овқатланишнинг маълум бир қоида асосида амалга оширилиши, инсоннинг ўз нафсини бошқара олишга, нафсига эрк бермасликка олиб келади. Баҳоуддин Нақшбанд ҳам таом тановул қилишга катта эътибор бериб, жаҳл билан қилинган, ёки шубҳали таомдан ўзларини ҳам муридларини ҳам қайтарганлар.

Жомий ўзининг асарларида илм-фан, маърифат, таълим-тарбия ва ахлоқий-эстетик қадриятларни эгаллашга, шу йўл билан кишиларни етук ва комил инсон қилиб тарбиялашга катта эътибор беради. Умуман олганда, мутафаккир илмнинг инсон камолоти ва жамият фаровонлиги учун аҳамиятини яхши тушуниб етган.

Абдурахмон Жомий эстетик қарашларининг аҳамияти шундаки, унинг асарларида панд-насиҳат руҳи устуворлик қилади. Кишиларни эзгуликка, ҳалол ва пок бўлишга, камтаринликка чорлайди. Ҳар бир киши ўз умрини гўзал, ҳайрли ишларга сарфлаши, уни беҳуда ўтказмаслиги ҳақидаги қарашлари бугунги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Нақшбандия тариқатини умуминсоний маданиятнинг юксак дурдонаси, умумбашарий қадрият даражасига кўтаришда Шарқнинг машҳур шоири, улуг инсонпарвар давлат арбоби Алишер Навоийнинг хизматлари беқиёс.

Жомий ва Навоий барча соҳаларда бир-бирига устози шогирд бўлишган, аммо тасаввуф борасида устозликни Жомий ўз зиммасига олган. Сабаби “тариқат аҳлининг соҳиби иршоди”, “қошифи асрор”, “қутби тариқат”, “олами кубро” бўлмиш Жомий етук мутасаввиф олим сифатида ўзигача ёзилган барча тасаввуфий асарлардан яхши хабардор бўлган.

Алишер Навоий ҳазрат Нақшбанд ва у кишининг сулукидаги шайхларни “Лисон ут-тайр” да судра дарахти (жаннат дарахти) даги қушларга ўхшатади. Бу қушлар сокин ва тинч ҳаёт кечирадилар. Ҳеч нарсадан норози эмаслар, ҳар қаёққа талпиниб парвоз қилмайдилар:

*Бор анингдек қушки очмай болу пар,
Судра шохи устида айлар мақар.
Келди хилватгоҳи они анжуман,
Сайр этар, лекин ери доим ватан.*

Улуғ шоир Нақшбанд сулукининг эстетик моҳиятини жуда аниқ таърифлаб берган: ботиний ҳолни халқдан яшириш, ботиний олам билан Ҳақ васлига мушарраф бўлиш, кўнгилда ирфон нурини лиммо-лим сақлаш, аммо буни ўзгалардан (ғайрдан) пинҳон тутиш, дилда маърифатнинг юз минг дарёси тошиб турса ҳам, садаф каби оғизни очмаслик. Зеро, садафнинг оғзи берк бўлгани учун ичида дур ҳосил бўлади.¹

Навоий фалсафий-эстетик дунёқарашида, гўзаллик муҳаббат орқали намоён бўлади. Алломанинг лирикасида энг етакчи мавзу ишқ-муҳаббатдир. Шарқ адабиётида куйланадиган ишқ икки турга ажаралади:

1. Ҳақиқий ишқ.
2. Мажозий ишқ.

Ҳақиқий ишқ деганда, вужуди мутлаққа – Яратганга, Ҳаққа, Оллоҳга бўлган муҳаббат тушунилади. Мажозий ишқ деганда эса, инсонга, борликқа бўлган муҳаббат англашилади. Мажоз, шартли равишда, бирон-бир нарсанинг ўз – ҳақиқий маъноси эмас, балки бошқа бирор нарсага кўчган – кўчма маъносини билдиради. Ҳақиқий ишқ – Оллоҳ муҳаббати экан, мана шу ишқнинг Оллоҳ яратган мавжудотларга, жумладан, инсонга кўчирилган шакли мажозий ишқ демакдир. Чунки тасаввуф дунёқарашига кўра, Оллоҳ бу дунё ва ундаги гўзал мавжудотни, яъни инсонни ўз ишқи ҳамда баркамоллигининг рамзи сифатида яратган. Оллоҳдаги бор фазилатлар У яратган мўъжизаларда мужассамлашган. Демак, инсондаги гўзалликни, инсонга муҳаббатни куйлаш мажозий ишқдир.

Мутафаккир ўзининг ишққа фалсафий-эстетик муносабатини куйидагича баён этади:

¹ Комилов Н. Тасаввуф–Т.: Мовароуннаҳр-Ўзбекистон.2009, 101-б

*Гар Навоий йиғласа, ишқинг мажозийдир дема,
Ким, назар пок айлагач, айни ҳақиқатдур мажоз.
Мажоздин манга мақсуд эрур ҳақиқий ишқ,
Нединки, аҳли ҳақиқатга бу тариқат эрур.
Мажоздин чу ҳақиқатга йўл топар оишқ,
Қилур мажозни нафй улки беҳақиқат эрур.*

Навоий инсоний муҳаббатга пок назар билан ёндашади, унинг наздида муҳаббат ҳақиқий ишқнинг ўзгинасидир. Шоирнинг ўзи бутун умри мобайнида инсонни дунёвий манфаатлардан, жинсий-шаҳвоний муносабатлардан холи равишда, илоҳий муҳаббат билан севган. Инсондаги хислат ва фазилятларни илоҳий деб эъзозлаган. Навоийнинг ўз эътирофича, мажозий ишқдан мақсад ҳақиқий ишқни куйламоқдир. Мажозий ишқ орқали ҳақиқий ишқни куйлаш Навоий сингари ҳақиқат аҳли учун махсус йўл эди.

Навоий фалсафий-эстетик дунёқарашида табиат, жамият, ватан, комил инсон, маънавият, ахлоқ соҳаларининг саноксиз муаммолари чуқур бадиий таҳлил этилган. Аллома ўз асарларида фалсафий-эстетик дунёқарашида, ички ва ташқи гўзаллик ғоясини илгари суради. Унинг «Ҳамса»сидаги бош қаҳрамонлар ана шундай комил гўзаллик эгалари. Умуман, Навоий ҳам, бошқа кўпгина Шарқ мутафаккирлари каби инсоний гўзалликни ички гўзалликда, хулқий гўзалликда кўради.

Навоий сўзга алоҳида эътибор беради, уни кўнгил қутиси ичидагини гавҳар деб атайди, ҳатто фалак жисмининг жони дейди:

*Кўнгул дуржи ичра гуҳар сўздурур,
Башар гулшанида самар сўздурур.
Эрур сўз фалак жисмининг жони ҳам,
Бу зулумотнинг оби ҳайвони ҳам.*

Навоий шеър калимасининг луғавий маъноси шуур айлаш, фаҳмлаш, ҳис этиш, сезги ила билиш мазмунларини англагани учун ҳам шеър билан шуур орасида бевосита алоқа мавжудлигини таъкидлаган. Навоий шу боисдан

маънига асосланган завқни, шуурни янгиловчи моҳиятни шеърда биринчи ўринга қўяди:

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,

Бўлсун анинг сурати ҳарне дурур.

Назми маъни анга марғуб эмас,

Аҳли маоний қошида хуб эмас.¹

Маъни дейилганда, биз, асосан, сўзнинг маъноси, фикр, тушунча ёки ғояни англаймиз. Ҳолбуки, мумтоз шоирлар ижодида маъни – рух, илоҳий ва ирфоний ҳақиқат, дунёнинг яралишига тегишли бош моҳият каби мазмунларни ифодалаган. Шуни назарда тутиб, Султон Валад “Маориф” китобида “Бутун олам маънига ошиқдир. Шу билан бирга “Биз суратга ошиқмиз” ҳам дерлар. Бу хатодир. Улар маъни ошиғидирлар, суратнинг улар наздида ҳеч бир қиймати йўқдир”,² деган эди.

«Мажолис ун-нафоис», «Меъзон ул-авзон» асарларида Навоий моҳиятан муқаддас бўлган сўздан фойдаланиш санъати ҳақида фикр юритади. Айни пайтда, тазкирада дин, шакл ва мазмун сингари эстетика муаммолари ҳам ўз аксини топган.³

Навоийнинг эстетик қарашиди, ижодида мутлақийлик ҳукмрон: мутлақ яхшилик (эзгулик) ва мутлақ ёмонлик (ёвузлик) ни кўради. Унинг учун ёмон – бу мутлақ қора рангда кўринадиган ёмонлик. Яхши – мутлақ яхшилик, у нурли ранглар билан жилоланади.

Умуман олганда, тасаввуф хусусан, нақшбандия тариқати инсонни улуғлаш, ҳаётнинг қадрига етиш, умрни оқилона ўтказиш ғояларини тарғиб қилишга назарий замин ҳозирлаб, инсонпарвар шоирларнинг илҳомига илҳом кўшган. Аттор, Румий, Жомий, Навоий сингари буюк шоирлар учун у шуурий мушоҳада усули, инсон зотини маънавий баркамол ҳолда кўриш орзуси, сирли-хаёлий оламни тасаввурда яратиб, Идеал бир гўзаллик ишқида ёниш бўлган.

¹ Навоий. Лисон ут-тайр. –Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 240-б

² Иброҳим Ҳаққул. Маъно ва тафаккур зиёси// Нақшбандия №1, 2009

³ Шеров А. Эстетика–Т.: 2007. 6-96

Алишер Навоий мазкур таълимотни маслак, мафкуравий эътикод сифатида қабул қилиб, ўзининг Ҳақ, инсон, адолат ҳақидаги ғояларига бўйсундирган эди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур бобга қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

Биринчидан, нақшбандия тариқати мутафаккирларининг эстетик дунёқарашида нафсни тийиш, сабр-бардошли, гўзал ахлоқли бўлиш масаласи муҳим ўрин эгаллайди. Тариқат мутасаввифлари инсоннинг бу дунёдаги вазифаси ҳақида гапирар экан, унинг пировард мақсади охиратда Комил инсон даражасига етишиш бўлиши керак деган ғояни илгари суради.

Иккинчидан, мутафаккирларнинг ахлоқий-эстетик қарашларида илоҳий муҳаббат, гўзал ахлоқ ва хулқ-одоб қоидалари, илм-маърифат, таълим-тарбия, тасаввуф тарихи, мусиқа назарияси, нафс тарбиясида шарқона меҳмон ва мезбон муносабатлари муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, нақшбандия тариқатининг фалсафий-эстетик асоси табиат, жамият, ватан, комил инсон, маънавият, сўз санъати, ахлоқ соҳаларининг саноксиз муаммолари чуқур бадиий таҳлил этилган. Жумладан, Алишер Навоийда инсоннинг Илоҳ томонга кўтарилиши (уруж) асосий ғоядир. Унинг тасаввуфона руҳда ёзилган ижодини интровертлашган бадиий жараённинг юксак намунаси деб олиш мумкин.

Тўртинчидан, тасаввуф шарқ эстетик тафаккур тараққиётидаги кўп асрлик тажрибаларни қамраб олиб уни ривожлантирди, дин ва фалсафа, ҳикмат ва ваҳдат, калом ва ҳадис илмларини бирлаштирди, илоҳий илмлар билан дунёвий илмларни ўзаро боғлашга ҳаракат қилди. Натижада, тасаввуф шарқ кишисининг эстетик тафаккур тарзи ва ахлоқ нормасини белгилайдиган ҳодисага айланди.

Бешинчидан, мумтоз тариқатларда илгари сурилган гўзаллик моҳиятан ахлоқийликка йўғрилган. Айниқса, Яссавий шеърятини энг халқчил ва халқсевар, ҳақсевар шеърят бўлиб, унинг ғоялари инсоният қозонган ардоқли ғоялар қаторида абадий яшаб келаверади. Нажмиддин Кубронинг жавонмардлик ғояларини тариқатга жорий этиши натижасида, мардлик ва

поклик, қаҳрамонлик ва фидойилик, маърифат ва жисмоний-руҳий қудрат бирлаштирилди, инсон камолотида ахлоқий юксаклик, ватанпарварлик ғоялари кўшилиб ифодаланди.

Олтинчидан, нақшбандия тариқати “Дил ба ёру даст ба қор” ғояси орқали инсонни имонга, гўзалликка, бунёдкорликка чорлайди. Тасаввуф ўзини англаш, Яратганни англаш илмидир. Тасаввуф фориғланиш воситасида инсонни гўзал ахлоқли қилиб тарбиялайди. Тариқат тасаввуфнинг амалий кўриниши бўлиб, ўзига хос услуб ва қоидалар билан инсонни камолотга етказди. XII асрда вужудга келган мумтоз тариқатларда яхлит муштарак эстетик унсурлар мавжуд бўлган. Нақшбандия тариқати мумтоз тариқатларнинг охиргиси ва унда бутун тасаввуф ва тариқатлардаги энг яхши, мақбул, эстетик томонлари ўз аксини топган.

Еттинчидан, нақшбандия хожагон ва яссавия тариқати замирида XIV аср иккинчи ярмида вужудга келиб, бутун тариқатлардаги муштарак унсурларни ўзига хос равишда акс эттиргандир. Ушбу тариқат бошқа тариқатлар каби комил инсонни тарбиялашни ўзига хос услуб ва қоидалар билан амалга оширади.

Борлиқни романтик рангларда, гўзалликда, шоирона хаёлий сурат – тимсоллар тарзида, илоҳий нурнинг порлашидан доимий ҳаракатда ва ижодда деб тасаввур этиш – тасаввуфнинг ўзига хос эстетик хусусиятидир.

2-БОБ. НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ФАЛСАФИЙ- ЭСТЕТИК МОҲИЯТИ

2.1. Нақшбандия тариқатида гўзалликнинг эстетик талқини

Маълумки, гўзаллик хилма-хил даражада намоён бўлади. Табиатдаги гўзаллик ижтимоий ҳаёт гўзаллигидан, оддий фаолиятдаги гўзаллик бадий ижоддаги гўзалликдан фарқ қилади. Лекин гўзаллик ўзининг хилма-хиллиги билан бир-биридан қанча фарқ қилмасин, барчаси қандайдир умумий белгига эгадир. Мана шу умумий белги туфайли ходисаларни гўзалик тушунчаси тарзида инъикос этамиз. Гўзал нарсалар инсон амалий фаолиятига, манфаатларига мос бўлиб, уларни идрок этиш хайрат ва қувонч бағишлайди, шахсинг уйғун ҳамоҳанг ривожланишига, унда энг яхши инсоний хислат-фазилатлар таркиб топишига кўмаклашади. Зеро, Қуръони каримда “Бас, Аллоҳ уларга бу дунё савобини ва охиратнинг гўзал савобини берди. Аллоҳ гўзал амал қилувчиларни севади” дейилади.¹

Гўзалликнинг моҳияти ва унга нисбатан ёндошувларни фалсафий-эстетик контекстда таҳлил қилган Б.Хусановнинг фикрига кўра, “Гўзаллик – бу воқелик (табиат, жамият, санъат) ходисаси бўлиб, бирор нарсага ҳис-туйғу орқали таъсир ўтказиш билан инсонда жисмоний ва маънавий кучлар оқимининг кўпайишига, шодлик, завқланиш, маънавий қониқиш ҳолати вужудга келишига имкон яратади. Гўзаллик ҳамиша фойдали, лекин у алоҳида турдаги фойдали – у аввало инсонга, жамиятга, тараққиётга маънавий фойда келтиради.”²

Ўрта асрлар мусулмон Шарқи мутафаккирларининг гўзаллик ҳақидаги қарашлари бевосита хурфикрлиликка асосланганлиги боис кишида ижобий таассурот уйғотади. Ана шундай муносабат ўз навбатида, тасаввуф нафосатшунослигига ҳам дахлдор.

¹ Қуръони Карим. /Аловуддин Мансур таржимаси. –Тошкент, “Чўлпон” нашриёти, 1992, 186-бет.

² Хусанов Б. Шахс ва жамият муносабатларида гўзалликнинг намоён бўлиш хусусиятлари. Фалс.фанлари номзоди. дисс. автореферати. Тошкент, 2002,12-бет.

Тасаввуф таълимоти гўзаллик муаммосини қандай талқин этади? Айтишимиз мумкинки, бу таълимот олам - Парвардигорнинг ижоди, Илоҳнинг кўзгуси деб тушунтиради. Шунга кўра, жамики гўзалликлар манбаи-Мутлак Илоҳ, воқеликдаги гўзалликлар Илоҳ жамолининг акси, у маънавий гўзалликларни англаш ва коинот сарвари Руҳи азалийга монанд нарсаларнинг гўзаллигини қабул қилиш йўлидаги пиллапоялардир. Шунинг учун ҳам «жамол», «жалол», «поклик», «мусаффолик», «зийнат» сингари иборалар тасаввуф таълимотида гўзалликка муқояса қилинади.¹

Тасаввуф ислом асосида шаклланган қалб гўзаллиги илми ва мақталган ахлоқ ҳисобланади. Сўфий эса қалб илмининг билимдони ва ўзида гўзал ахлоқни мужассам этган кишидир. Сўфий ўзидан фоний бўлиб, Ҳаққа боқий бўлган, яъни ўзидан кечиб, Ҳаққа етган илоҳий лутфдан бахраманд бўлган инсон. Абу Бакр Каттонийнинг сўзига кўра “Суфий зоҳирда қул, ботинда эса озод бўлган”², яъни зоҳирини тоат-ибодат хизматига боғлаб, ботинини барча дунёвий алоқалардан узган шахс, қалби мусаффо, ақли юксак, фазли дарё, кўнгли мухаббат аҳди билан тўлган ориф инсон.

Дарҳақиқат гўзал ахлоқнинг асосида, тамалида ана шулар ётади. Тасаввуф ахлоқининг тамал тоши, асоси, пойдеворида қалб гўзаллиги, юксак ақл бор. Яъни қаршиликсиз, муҳолифатсиз муносабат қилмоқлик бу. Инсон айтадики, менинг ахлоқим ўзгармайди, “Зулм қилсанг, яхшилик қилавераман; келмаган кишига боравераман; менга раво кўрмаган кишига раво кўравераман”. Яъни бизнинг ахлоқимиз, ғарб ахлоқидек эмас. биз ҳар ишни Аллоҳ ризоси учун қиламиз: Аллоҳ учун авф этамиз, бермаганга Аллоҳ учун берамиз; келмай ҳафа қилган кишига Аллоҳ учун борамиз.³

Сўфийларда реал моддий дунё гўзаллиги инкор этилмайди (гарчи дунё ва унинг бойлигига бўлган салбий муносабат сезилиб турса-да), балки реал моддий дунё ўз-ўзича қимматли эмас, деб қаралади. Қадрият ва арзирли нарса, сўфий назарида, бу – руҳ билан, Илоҳ билан боғлиқ нарсадир. Ҳаёт ҳам руҳнинг

¹ Хусанов Б. Шахс ва жамият муносабатларида гўзалликнинг намоён бўлиш хусусиятлари. Фалс. фанлари номзоди. дисс. автореферати. Тошкент, 2002, 15-бет.

² Кароматов Х. Куръон ва ўзбек адабиёти. –Т.: Фан, 1993. 4-б

³ Ўша манба. 156-б

фаолиятидан иборат. Рухсизлик – хунуклик, ўткинчилик, фонийлик. Ҳар қандай ўткинчи нарса қимматга молик эмас, жумладан дунё ҳам. Абдий нарса рухдир ва шу сабаб қимматлидир, гўзалдир.¹

Тасаввуф ўз даврида мусиқаси, тасвирий санъати, рақс санъатини ҳам яратди ва ҳатто суфиёна театрлар пайдо бўлди. Биргина самоънинг ўзида ҳам шеърият, ҳам рақс, ҳам кўшиқ, мусиқа иштирок этади. Бунда самоъ ўзида гўзалликни мужассам этганини кўриш мумкин. Кўпгина самоъ мажлислари театрлашган томошага айланар эди, фақат сўфийларнинг ўзи эмас, атрофдаги кишилар ҳам бу томошаларни йиғилишиб кўрганлар. Масалан, “Нафаҳот ул-унс” асарида Шайх Абу Саид Абдул Хайр мажлисларига ҳатто хотинлар келиб, томларга чиқиб томоша қилгани ёзилади.² Бу самоъ мажлисларидан киши ўзига эстетик завқ олган, кўнглида фориғланиш, тозаланиш юз берган.

Тасаввуф ўзи Буюк бир романтик оламдир. Оламни Мутлақ Парвардигорнинг ижоди деб қараш, дунёни Илоҳнинг кўзгуси деб тушунтириш ва барча гўзалликлар, қудратни Илоҳдан деб ҳисоблашдир. Борликни романтик рангларда, шоирона ҳаёлий сурат – тимсоллар тарзида, илоҳий нурнинг порлашидан доимий ҳаракатда ва ижодда деб тасаввур этиш – бир Буюк Поэзия. Жами гўзалликлар, яхшиликлар, эзгуликлар манбаи Мутлақ Илоҳ, Қудрат ва куч, ҳаракат ва фаолият ҳам Ундан. Дунёдаги жами хусну жамол – Унинг жамолининг акси. Инсон гўзаллиги Унинг жамолининг жилваси, бу жамол оламда қанча кўп жило этган бўлса, у шунча кўп гўзал бўла олади. Инсон руҳининг гўзалликка, нафосатга ташналиги Илоҳ гўзаллигига ташналик оқибатидир. Яна бунинг ичида моддий гўзаллик ва маънавий гўзаллик, ғоя ва фикр гўзаллиги ҳам ажралиб, эътиборга олинади. Гўзалликдан мақсад тафаккур гўзаллиги, маънавий гўзалликни англамоқ, олий жавҳар – Рухий азалига монанд нарсаларнинг гўзаллигини қабул қилмоқликдир.³ Тасаввуфнинг асосий ғояларидан, эстетик хусусиятларидан бири мана шудир.

¹ Комилов Н. Тасаввуф. –Т.: Мовароуннаҳр-Ўзбекистон. 2009 140-б

² Комилов Н. Тасаввуф. –Т.: Мовароуннаҳр-Ўзбекистон. 2009. 139-б

³ Комилов Н.Тасаввуф. –Тошкент, “Мовароуннаҳр-Ўзбекистон”, 2009, 140-бет.

Тасаввуфда Гўзаллик идеали, қудрат идеали, поклик идеали, абадийлик идеали – жами идеаллар идеали Унинг Ўзи, Яратган деб олинади. Ҳайрат ҳам ўшандан, ғайрат ва шижоат ҳам, ҳаёт нафосати ҳам Яратгандан деб қаралади. Жонли ва жонсиз ҳар бир нарсада, ҳаётнинг ўзида, Илоҳ қудратини мушоҳада этиш, Унинг гўзаллигидан ҳайратланиб, жўшиб, олам-олам завқ олиш, Илоҳни ёри азиз, дўст деб билиб, Унга сиғиниш, суяниш, Унга рози дил айтиш – мана шу сўфий шоирнинг эстетик дунёси, ҳаёт мазмунидир.

Тасаввуф эстетикасига доир тадқиқот ишларини олиб борган файласуф олим А. Қурбонмамадов тасаввуфда гўзалликнинг уч асосий босқичини қуйидагича кўрсатиб ўтади: биринчиси - мутлоқ ўзгармас илоҳий гўзаллик; иккинчиси - инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган ботиний, маънавий гўзаллик; учинчиси - мутлоқ гўзалликнинг акси сифатида намоён бўлувчи нарсалар ва моддий олам гўзаллиги.¹ Бундан англанадики, тасаввуф эстетикаси маънавий гўзалликни улуғлаши баробарида моддий гўзалликка ҳам бефарқ муносабатда бўлмайди. Бу эса ўз навбатида тасаввуфни хурфикрлилик ғоялари билан йўғрилган таълимот эканлигидан далолат беради. Тасаввуф ана шу икки йўл билан инсонни тарбиялайди, ҳақиқат сари бошлайди. Зеро, Нақшбандия тариқатидаги «Дил ба ёру даст ба кор» тамойилининг моҳиятида ҳам баркамоллик, моддий ва маънавий асоснинг уйғунлигига, мукамаллигига таянади, деган ғоя мужассам.

Тасаввуф таълимотининг айрим йўналишларида «Авом шарият, тариқат, маърифат, ҳақиқат, сингари тасаввуф босқичларини босиб ўтмай туриб Худонинг гўзаллигидан баҳраманд бўла олмайдилар»,-деган қараш устувор мавқени эгаллаган бўлса, иккинчи бир қараш эса «Оллоҳ ҳамма учун севимлидир» деган ғояга асосланади. Лекин, аҳамиятли жиҳати шундаки, ҳар иккала қараш орқали тасаввуф таълимотининг намоёндалари Худони энг Олий гўзаллик соҳиби сифатида эътироф этади ва айни пайтда реал олам гўзаллигига бефарқ муносабатда бўлмайди.

¹ Курбанмамадов А. Эстетическая доктрина суфизма. – Душанбе, “Дониш”, 1983. стр. 9.

Тасаввуф фалсафасига кўра *ҳақиқий гўзаллик* – бу мутлақ зот парвардигорнинг яккаю ягона вужудидан иборат. Бошқа гўзалликлар шу вужуд ижодининг инъикосидир. Мутлақ зотни ал-ҳақ (Реал борлик), Аҳад (Бирлик) деб ҳам атайдилар. У Ўзи яратган олам ашёларида (олами шаҳодат, оламул халқ) Ўзини намоён этиб, зоҳирланиб туради ва шу орқали Ўзи Ўзини идрок этади. Бу чексиз ва мавҳум Мутлақ зотнинг шаҳодат (моддий) оламида тинимсиз жилोलаниши “тажаллий” деб аталган. Тажаллий – барча ҳаракат ва фаолият, тириклик ва ҳаёт ижодкори Парвардигорнинг ўзи яратган оламда доимо ҳозир бўлишидир. Тасаввуфдаги гўзаллик тажаллий орқали намоён бўлади.

Маълумки, диний-бадий асарларда рамз алоҳида ўринга эга. Рамзнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ўз мазмунини эмас, бутунлай бошқа мазмунни англатадиган шакл, ўз моҳиятини эмас, бутунлай бошқа моҳиятни ифодаладиган ҳодиса, қисқаси, бутунлай бошқа ботинни ифодаловчи зоҳирдир. Шу боис ҳам у сирли, яширин: уни муайян билимга эга бўлмай туриб англаш мумкин эмас. Чунончи, нур, олов Аллоҳнинг моҳияти, доимий ёруғлик сочувчи ва шу билан мавжудотга жон бахш этувчи абадий ҳамда мутлақ зиёнинг рамзи. Насронийлар ҳаворийлари бошидаги нурли гардиш (нимба) эса уларнинг авлиёллигини, Худога яқинлигини англатади. Ёки мусулмон меъморчилигидаги гумбаз – Худо жамолининг, гўзаллигининг, минора – Худо кудратининг, пештоқлардаги оятлар – Худо сифатининг рамзлари сифатида келади. Буддҳачиликда ғилдирак ёки оловли доира Буддҳа таълимотининг баъзан эса Буддҳанинг ўзини англатади.¹

Бадий асарларда ҳамма нарса гўзал бўлиши, ижодкор табиатнинг энг яхши, энг гўзал томонларини акс эттириши учун ана шу гўзалликнинг навқирон ва камол топган онларини илғаб олиши ва тасвирлаши лозим. Лекин бу лаҳзаларни топиш ва тутиб қолиш осон эмас. Эҳтимол, ижод жараёнининг мураккаблиги ҳам шу билан изоҳланар. Чунки дунёда шундай бир пинҳон

¹ Абдулла Шер, Баҳодир Хусанов, Эркин Умаров. Эстетика. Услубий қўлланма. –Тошкент, Ўзбекистон Миллий Университети.2008, 42-бет.

уйғунлик мавжудки, ижодкор шахси уни излаб топиш учун бутун кучини сарфлашга ҳам тайёр, зеро, бу унинг эҳтиёжи.¹

Айтиш мумкинки, санъатнинг ўзи ҳам аслида инсоннинг шу эҳтиёжи туфайли пайдо бўлган. Айниқса, мусиқанинг қалбимиз устидан ҳукмронлиги, унга бу қадар тез асир бўлиб қолишимиз бизнинг ана шу уйғунликка эҳтиёжмандлигимиздандир. Шунинг учун воқеликнинг айнан ўзи эмас, тимсоли гўзалдир, деб таъкидлайди К.Муллахўжаева. Ижод завқи барча завқлардан юксакроқ. Гўзаллик яратиш эса илоҳиятни ҳис этиш, тушуниш ва шарҳлашдир. Адабиётнинг илоҳий қудрати гўзаллик яратганида намоён бўлади. Гўзаллик – мубталолик демак. Сўзга мубталолик барча мубталоликлардан юксакроқ ва жозибалироқ ҳисобланади.²

Нақшбандия тариқатини умуминсоний маданиятнинг юксак дурдонаси, умумбашарий кадрият даражасига кўтарган Шарқнинг машҳур шоири, улуг инсонпарвар давлат арбоби Алишер Навоий фалсафий-эстетик қарашларида, лирикасида гўзаллик рамз воситасида ёритилади.

*Зоҳид, сенга ҳуру менга Жонона керак,
Жаннат сенга бўлсин, менга майхона керак,
Майхона аро соқию паймона керак,
Паймона неча бўлса тўло, ёна керак.*

Бу рубоийда ҳам май илоҳий файз рамзи, Жонона – Парвардигор, майхона – ориф ҳузури, соқий – ўша пир, паймона – ишқ. Лекин Навоий дунё гўзаллиги (мажозий гўзаллик) ни ҳам инкор этмаган. Зеро, Жомий ва Навоий мансуб бўлган нақшбандия таълимоти қаноат ва тийилишни талаб этса-да, бироқ дунё гўзаллигидан ҳузурланишни ҳам назардан соқит этмайди. Негаки, реал дунё Мутлақ руҳ инъикоси экан, демак, уни севиш ва ундан баҳра олиш мумкин. Шу асосда инсоннинг инсонга мухаббати ҳам табиий ва зарурий деб топилган, яъни мажозий ишқ орқали илоҳий ишққа қараб бориш. Навоий ўзини ана шу “ишқи мажозий” куйчилар сирасига киритади.

¹ Муллахўжаева К. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадий санъат уйғунлиги. –Т.:Ф.Ф.Н дисс. 2006. 96-б

² Назар Эшонкул. “Мен”дан “Мен” гача// Тафаккур №2, 2009

*Каманд учига еткурмас гаму андеша айёри,
Бийик чекмиш магар майхона томин сунъ меъмори.*

Сайид Жаъфар Сажжодийнинг “Мусталаҳоти урафо” асаридаги талқинга кўра ғазалнинг биринчи байтидага каманд сўзи шеъриятда аксар ёр сочи ўрнида истиора сифатида қўлланилади. Бироқ бу ўринда Навоий унинг асл луғавий маъноси – арқонни назарда тутган. Ғаму андеша айёри – ақл тадбиркорлиги, ақлу ташвиш тадбири деган маънони беради. Майхона эса “шавқу завқ ва илоҳий маърифат тўлиб-тошган комил инсон – орифнинг ботиний дунёси ва Руҳи мутлақ манбаидир.”¹

Навоий лирикасида мавжудлик, гўзаллик фақат Аллоҳнинг ўзида бўлган давр тасвирига алоҳида урғу беради. Унингча, бу паллада олам ниҳон эди. Улуғ шоир ана шу ниҳонлик қобиғидаги нарса-ҳодисаларнинг энг муҳимларига диққатни тортиб, турли шоирона ифода ва поэтик рамзлар орқали илоҳий тажаллиётни чизиб беради. Бу билан Аллоҳнинг улуғ, қудратли, буюк илоҳий моҳиятини кўрсатибгина қолмай оламнинг яратилиши аҳамиятини ҳам таъкидланади. Чунки оламнинг яширин ҳолатда қолиши фойдасиз эди. Зеро, ўша ниҳонликда ҳамма нарса жамулжам бўлганди. Воқеан олам шу қадар ниҳон эдики, унда кундузи, ҳам кечаси ҳам йўқ эди.

Улуғ шоир ўз фикрларини рамзий ташбеҳлар орқали далиллашга интилади. Шу мақсадда денгиз ва унинг мавжларига қайта-қайта мурожаат қилади. Ҳақиқий (илоҳий) гўзалликдан ҳеч нарса ҳеч қачон устун бўлмаслигини шоир шундай талқин қилади:

*Қадинг оллида бўлгон жилвагар оҳ савсан англаким,
Кўк этти барча аъзосин сабо кожининг озори.*

Табиат, унинг гўзал манзараларига уйғун тимсоллар, рамзлар, ташбеҳу сифатлар шоир лирик қаҳрамони – ошиқнинг изтироби, қувончлари, орзулари

ёхуд маъшуқа гўзаллиги тавсифининг ифодачисига айланган. Айни пайтда инсон умри, унинг моҳияти, дунёнинг бевафолиги, ўзликни англаш, анланган ўзликдан кеча билиш қудрати каби фалсафий муаммолар ҳам ошиқона ғазалларда гул, булбул, боғ, парвона, ва шамъ каби тимсоллар воситасида акс эттирилади.

Ҳамд ғазалларда қуёш, зарра, гул, булбул, гулзор ва шунга ўхшаш тимсоллар асосан, Ҳақнинг қудрати, гўзаллиги ва бошқа кўплаб сифатларини ва айни пайтда, ошиқнинг Ҳаққа бўлган муҳаббатини рамзий йўллар билан ифодалашга имкон беради. Жумладан:

*Чаман оташгоҳига оташин гулдин чу ўт солдинг,
Самандардек ул ўтдин қулга ботди булбули шайдо.¹*

Маҳбуб, яъни Аллоҳнинг яратиш қудрати, бу дунё ва ундаги гўзалликнинг яратилиши билан боғлиқ мазкур байтда шоир ташбеҳ, таносуб сингари бадий санъатлар воситасида тасаввуф фалсафасига уйғун фикрларни жуда аниқ ифодалаб беради. Байтда оловдек ёнаётган гулзор (чаман оташгоҳи) зухуротни англагач самандардек, ўзини оловга отган булбул ошиқлик тимсоли. Демак, бу дунёда ўз-гўзаллигининг намоён этар экансан, бу гўзаллик иштиёқидаги ошиқлар қуйиб, қул бўлдилар, деган мазмунни чуқурроқ, сўфиёна маъноси ёрдамида ҳам тушуниш мумкин.

Гул тасаввуф луғатларида ошиқ кўнглининг маҳбуб иштиёқидаги яллиғланишини ёки кўнгилда зоҳир бўлган билимнинг натижаси ва меваси сифатида келади. Гулзор – дарднинг кучайишини ва айни пайтда пир суҳбатининг таъсирини анлатади. Булбул эса ошиқлик аммо зоҳирий гўзалликка ошиқлик белгиси. Ҳамд ғазалларда жуфтликда қўлланилган ушбу гул ва булбул тимсоллари кўпинча, фақат шу туркум ғазалларгагина хос маъно-мазмун касб этади. Шоир тасаввуф таълимотининг барча вакиллари сингари коинотда, оламда табиат бағрида ва унинг ҳар бир ҳодисасида жонзоту жисмлардаги Ҳақнинг бирор бир сифатини, аниқроғи, жилвасини, гўзаллигини кўради. Гул

¹ Абдуқодиров А. Тасаввуф ва А.Навоий ижодиёти. ф.ф.доктори дисс. автореферат.:Т. 28-б

энди ошиқ кўнглининг маҳбуб иштиёқида яллиғланиши эмас, балки Оллоҳ гўзаллигини намоёиш этиш учун бир кўзгу бўлса, булбул ана шу гўзаллик шайдоси. Жумладан:

*Зиҳи ҳар лаҳни булбул савтининг зотинга исботи,
Жаҳон боғида ҳар гул яфроғи ҳуснунгга миръоти.*

ёки

*Сенинг жамолингга гул кўзгусида булбул маст,
Сенинг зухуринг ила гул жамолига мағрур.*

Демак, гулни мағрур этган гўзал жамоли аслида Оллоҳнинг зухури, яъни булбулни маст айлаган ўша гул аслида Оллоҳ жамолининг кўзгудаги акси.

Навоий ғазалиётидаги “Ўн саккиз ёш ҳайратлари” номли машҳур ва манзур ғазали ҳам ишқий-фалсафий, эстетик мавзуда баҳс этади. Асарнинг мақсад-моҳияти ўн саккиз ёшдаги манзур (назарда тутилган муайян сиймо) гўзаллигини, малоҳатини васф этишга қаратилган. Лекин бу васф инсон умрининг навқирон палласи ҳамда ҳусну жамоли ҳақидаги фалсафий эстетик мушоҳадалар билан йўғрилган. “Ўн саккиз минг олам” – бадииятда тимсолга айланган турғун сўз бирикмаси бўлиб, у бутун борлиқ ўн саккиз минг оламдан иборат, деган олам чексизлиги ҳақидаги афсонавий тасаввурлардан келиб чиққан. Шоир “Сарвинозимнинг бошида ўн саккиз минг олам ғавғоси бор, аммо бунга ажабланмаслик керак, чунки у ўн саккиз ёшдадур”, дер экан, биргина сарвиноз аҳволига эмас, умуман, инсоннинг ўн саккиз ёшига таъриф беради. Таъриф умуминсоний бўлганидек, назаримизда, ўн саккиз яшар сарвиноз ҳам умумлашма образ.

Тасаввфшунос олим Н.Комиловнинг фикрига кўра, Навоийнинг эстетик қарашларида ҳар қандай ҳайратомуз гўзалликнинг яратувчиси ва иждокори “сунъи наққоши”, Худодир.¹ Ҳар бир модда, жисм, жонзот, шу жумладан, инсон

¹ Қаранг: Комилов Н. Тасаввуф.–Т.: Мовароуннахр-Ўзбекистон. 2009 151-б

хам бу илохий мавжудотнинг зарраси, бўлаги, акси янглиғ намоён. Ҳар бир чиройда Тангри таоло жамоли жилваланиб туради. Навоий эътиқод кўйган фалсафий-эстетик таълимотга биноан, олам азалий ва абадий ягона Рухнинг ўз-ўзини севиб, ўз жамолини томоша қилиш истагидан пайдо бўлган кўзгудир.

Навоийнинг “Бадое ул-бидоя” (Гўзалликнинг бошланиши) девонига мансуб ҳамд ғазалларда талмеҳ санъати эътиборга лойиқ. Шоир ўз ўй-кечинмалари бадиий қувватини таъминлаш мақсадида бадиий-сўфиёна тимсоллар қаторига афсонавий Маажнун ва Лайли, Фарҳод ва Ширин, Вомиқ ва Узроларни ҳам кўшади. Улар айниқса шоирнинг муҳим сўфиёна қарашлари-тажаллий назарияси ғояларини ифодалашда восита бўлиб хизмат қилади. “Лайли ва Мажнун” достонининг ҳамд қисмида шоир шундай ёзган эди:

*Эй ҳар сориким қилиб тажалли,
Ул мазҳар ўлиб жаҳонда Лайли.*

Демак, Лайли Оллоҳ тажаллийси зухур этган тимсол. Буни шоир ҳамд ғазалларида ҳам ифодалайди:

*Не ишга бўлди беором кўзгу аксидек Мажнун,
Юзи кўзгусида аксини кўргузмади Лайли.*

Ёки

*Каломингни агар Ширин лабида қилмадинг музмар,
Недин бас лаъл ўлур Фарҳоднинг қон ёшидин хоро.¹*

Лайли Ширин гўзаллигининг сирини уларда илохий гўзаллик зухур этганлигида. Уларнинг ошиқлари Мажнун ва Фарҳод ана шу гўзалликни кўра олган, Ҳақ йўлини ана шу гўзалликни англашдан, унга етишга интилишдан бошлаган мажзуб ва солиқдир.

Тасаввуф адабиётида ўзигача бўлган шакл ва жанрлардан кенг фойдаланилган, чунончи, лирик жанрлардан рубоий, ғазал, китъа, эпик жанрлардан маснавий тасаввуф адабиётининг ҳам асосий жанрларига айланди.

¹ Алишер Навоий. МАТ. 7-жилд –Т.: Фан, 1991. Б 101-165. Иқтибос Муллаҳўжаева К.дан олинди. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадиий санъатлар уйғунлиги. Ф.ф.н.дисс–Т. 2005. 25-б

Сўфий шоирлар бу жанрларни ривожлантириб, уларга янги рух бағишладилар. Кўп шоирларда дунёвийлик билан илоҳийлик, яъни ирфон кўшилиб зухур этади. Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шеъррозий, Камол Хўжандий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ижодида дунё гўзаллиги илоҳий ҳусну жамолнинг давоми ва моддий ифодаси сифатида олиб қаралади. Шунинг учун улардан соф диний ғояларни ёхуд соф дунёвий ғояларни кидириш, асарларини бир-бирига зид қўйиш нотўғри. Бу шоирлар учун олам ва одам ягонадир, рух ва жисм, вужуд ва маъни биргадир. Улар куйлаган гўзаллик илоҳий сифатларнинг мазҳари ва жилосидир. Илоҳий мазҳардан илоҳий манбага қараб борадиган рух улар учун энг гўзал руҳдир. Шу боис мазкур шоирларнинг асарларини сўфийлар ўз мақомида, оддий китобхонлар ўз мақомида англаганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг асарлари кўп маъноли, ҳар бир ифода етти қават парда ичига яширинган. Масалан, махбуб деганда Худони, Пайғамбарни, Пирни ва севган кишини англаш, соқий деганда ҳам айни шу тўрт тушунчани эътиборга олиш, лаб деганда пирнинг сўзини, илоҳий файзни, қош деганда илоҳий олам билан моддий олам чегарасини, бел деганда комил инсон ҳаёлини, ингичка бел деганда комил инсон ҳаёлининг нозиклигини, кўз деганда комил инсоннинг ўзини назада тутиш мавжуд.¹ Бу тимсолларни батафсил англамай, сўфиёна шеърни англаш мумкин эмас. Зеро, ана шу тимсоллар орқали Абдурахмон Жомий, Навоий ва Машраб лирикасида солиқ образи гавдалантирилади.

Инсон руҳи комилликка ташна, санъат ва адабиёт эса шу чанқоқни бостириш учун хизмат қилиб келган. Инсон руҳининг мўъжиза мавжларини, гўзаллигини, фараҳ ва хуррамлигини ифодалаган. Инсон руҳи гўзалликдан, санъатдан озикланиб яйрайди ва барча қудратини санъатда кўрсата олади.

Умуман олганда, нақшбандия тариқатида илгари урилган ахлоқий-эстетик ғоялар инсон ички оламининг гўзаллаштирувчи хусусиятларни ўзида мужассам қилади. Уларга кўра инсоннинг гўзаллиги, эстетик қиёфаси унинг ташқи кўриниши билан эмас, балки ички, ботиний гўзаллиги билан белгиланади.

¹ Комилов Н. Тасаввуф. –Т.: Мовароуннахр-Ўзбекистон. 2009. 148-б

Аммо ботиний гўзалликка эришиш учун зоҳиран ҳам пок бўлиш талаб қилинади. Намоз ўқиш учун таҳорат билан покланилади, бойлик орттиришда садақа ва закот билан мол-дунёсини поклайди ва шу каби ҳар икки жихат муштарак ҳолда олиб борилади. Энг аввалги поклик, гўзалликнинг асоси иймон ҳисобланади ва барча яхшилик, гўзаллик мана шу асосдан келиб чиқади деган ғоя ислом таълимотида ахлоқий муаммоларнинг устувор жихатидир.

Тасаввуфнинг нақшбандия тариқатидаги эстетик ғоялар ахлоқий ғоялар билан уйғунлашиб кетган. Бу ҳолатни қуйидагича изоҳлаш мумкин.

- тасаввуф фалсафасига кўра ҳақиқий гўзаллик – бу мутлақ зот парвардигорнинг яккаю ягона вужудидан иборат. Бошқа гўзалликлар шу вужуд ижодининг инъикосидир;

- тасаввуфдаги гўзаллик тажаллий орқали намоён бўлади. Тасаввуфда Гўзаллик идеали – жами идеаллар идеали Унинг Ўзи, Яратган деб олинади.

- Жомий ва Навоий мансуб бўлган нақшбандия таълимоти дунё гўзаллигидан ҳузурланишни назардан соқит этмайди. Навоий дунёқарашича, ҳар қандай ҳайратомуз гўзалликнинг яратувчиси ва ижодкори “сунъи наққоши”, Худодир.

2.2. “Дил ба ёру - даст ба кор” ғоясининг ахлоқий-эстетик мазмуни

Нақшбандия тариқатининг асосий диний-фалсафий, эстетик ғоялари куйидаги уч тамойилга таянади:

- тариқатнинг ўн бир қоидаси – рашхаларга; Улардан тўрттаси (чаҳор калима): “Ҳуш дар дам”, “Хилват дар анжуман”, “Назар бар қадам”, “Сафар дар Ватан” машҳур калима, қоидадир;

- тариқатнинг асосий шиори “Дил ба ёру даст ба кор”;

- тариқатдаги асосий ўринни “Зикри хафия” (яъни овоз чиқармай қилинадиган ички илтижо, тиловат, зикр – бунда Қуръони карим сура, оят, ҳадислар билан бир қаторда, инсонпарварликни, ҳалоллик, покликни ботиний гўзалликни тараннум этишга қаратилган Нақшбанд “вирд” лари- яъни илтижо, нидолари ўғитлари, нурлари (бақои)) ташкил этади;

Нақшбандия таълимотининг комил инсон даражасига етишгача юксалишга оид ғоялари ўзига хос бўлиб, дунёвий, инсонпарвар хусусиятга эга. Унда меҳнатга асосланган йўл ва услублар топилган. Таълимотнинг бу хусусиятларини очишда “хилват дар анжуман” – жамоада хилватда бўлиш тамойилининг аҳамияти каттадир. Нақшбандия тасаввуфий таълимотида инсон ҳаётининг мазмунини холис эзгу ният ила ҳалол меҳнат ташкил этади. Шунинг учун бу тариқат жаҳонга танилгандир. Нақшбандия тариқатининг дунёвий хусусиятини ва ҳаёт мазмунига оид қарашларини очиб беришга “хилват” ва “анжуман” тушунчалари ёрдам беради. “Хилват”-арабча сўз бўлиб, ёлғизлик, ёлғиз ўтириш, ёлғиз ўтирадиган жой бегоналардан холи бўлган жойда ўтириш маъноларини англатади. “Анжуман” –жамият, мажлис, одамлар жамоаси, халқ кишиларини англатади. Бир қарашда бу икки сўзнинг бир-бирига қарама-қарши маънога эга эканлиги маълум бўлади.

Умуман олганда хилват анжуманни ва анжуман хилватни инкор этади. Аммо нақшбандия тасаввуфий таълимотида бу қарама-қаршилиқ ўзига хос йўллар билан уйғунлаштирилган. Баҳовуддин Нақшбанд дейдики, “Бизнинг тариқатимиз жаҳрия зикрию рақс эмас, бизнинг тариқатимиз анжуманда хилват

(хилват дар анжуман), ватанда сафар (сафар дар ватан) дир. Хилватда шуҳрат бор, шуҳратда эса офатдир. Жамиятда хайрият бўлади, жамият эса суҳбатда бўлади. Агар бу йўл толибларидан бир гуруҳи бир-бировлари билан ҳамсуҳбат бўлсалар, бу суҳбатда хайру-барака кўп бўлади. Умид борки, бу ишга доимо амал қилинса, охири ҳақиқий иймон билан яқунланади”¹.

Баҳоуддин Нақшбанд Ҳиротда бўлганида Малик Ҳусайн билан учрашади. Малик Ҳусайн у кишидан сўрайди: “Сизнинг хулафонгизда жаҳр билан зикр айтиш, хилват ва самоъ борми ? ” У киши жавоб бердилар: “Йўқ.” Яна сўрайдилар : “Сизнинг тариқатингизнинг асоси нима ?” Баҳоуддин буюрдилар : “Анжуманда хилват, ватанда сафар, зоҳирда халқ билан ва ботинда Ҳақ билан бўлиш.”² Мазкур жавобдан кўринаднки, буюк шайх “анжуманда хилват” орқали бир-бирига муқобил кўринадиган бу тушунчаларнинг, ботиний йўллар билан уйғунлаштириш воситаларини топган. У ўз издошларига “анжуманда хилват” талаби орқали риёсиз фақат Тангри ризолиги учун пок амаллар қилишни ўргатади ва бу билан инсонлар ҳаётининг мазмунини ва камолот йўлини белгилаб берган.

Нақшбандиядаги бу тамойил ҳалол луқмага риоят, қаноат, ўз меҳнати билан кун кечиришга чақиради. Бу эса уларни жаҳонга машҳур этган “Дил ба ёру даст ба кор ” – “Кўл меҳнатда, қалб Оллоҳда” шиорларини ҳам келтириб чиқарган. Бу шиор Абдуҳолиқ Ғиждувоний асослаган таълимот ва хожагон тариқатидан ворис бўлиб кирган.

Нақшбандия тариқатининг “Дил ба ёру – даст ба кор” тамойили ўзининг ахлоқий эстетик мазиунини қуйидагилар орқали изоҳлаш мумкин:

Биринчидан - “Дил ба ёру даст ба кор ” – меҳнат жараёнида ҳалоллик, гўзаллик ва эзгулик билан ишлайдиган киши, албатта Оллоҳни қалбида сақлайди, яъни тилида эмас, дилида Оллоҳ эканлигини англайди. Чунки у Оллоҳ берган ҳар бир нафас ва ҳар бир неъматини англаб, улардан тўла гўзаллик ва эзгулик йўлида фойдаланади, деган ғояни илгари суради.

¹ Ислом тасаввуфи манбалари. (Тасаввуф назарияси ва тарихи)–Т.: Ўқитувчи.2005. 275-б

² Мухаммад Боқир. Мақомоти ҳазрат хожа Нақшбанд.–Бухоро.: Бухорои шариф. 1326 ҳ.й. Б 53-54. Иқтибос Наврўзова Г. нинг фал. фан. док. Дисс. дан олинди. –Т.: 2002

Мантиқан, чуқур ўйласак, кўринадики, Оллоҳнинг дийдорига муяссар бўлиш, ҳаққа етишнинг энг яқин ва тўғри йўли, бу бир касб-ҳунарни мукамал ўрганиб, ўшани ҳалоллик билан бажаришдир.

Иккинчидан, “Дил ба ёру даст ба кор ” – инсон Оллоҳ яратган мавжудотларнинг энг гўзали, шарафлиси ва аълосидир, унинг зоти тажаллиси, демак унинг борлиғи илоҳий борлиқ билан узвий бирликда бўлади, деган фикрни уқтиради. Бу борлиқ инсонда шукроналик туғдиради ва бу инсон қалби орқали намоён бўлади. Демак, инсоннинг Оллоҳ билан илоҳий-ирфоний муносабати унинг зотини фавқуллода шарафли, гўзал қилиш билан бирга, ўзининг ҳар бир нафасини У Олим, Нозир, Қодир ирода назарида туришини ҳам чуқур англади. Борлиқда унинг гўзаллигини, зухуротини кўради. Шунинг учун у берган неъматларни гўзалликка, эзгуликка сарф этади ва қўлини ҳам кишилар оғирлигини енгил қилиш учун равона этади.

Учинчидан, “Дил ба ёру даст ба кор ” ғояси яна шуни ифодалайдики, Оллоҳ инсонга ақл, беш сезги, шуур, ирода берган, саъй-ғайрат, бахт-саодатга элтувчи юрак бериб, унинг қалбида туриб, уни гўзаллик, эзгуликка даъват этади.¹ Шунинг учун қалб амрига қулоқ солиб, ҳалол меҳнатни холис, риёсиз бажариш керак.

“Дил ба ёру даст ба кор ” бизни Оллоҳ ҳақ, Адл - инсоф, гўзаллик, эзгулик йўлига даъват қилишини, инсон ҳаётдан мурод Адл-инсофни рўёбга чиқариш, саодатга эришиш эканлигини англади, нопоклик, хиёнат, иккиюзламачилик, муртадлиқ, лоқайдлик, беғамликдан иҳота қилишини уқтиради. Шу маънода “Дил ба ёру даст ба кор ” маънавий янгиланиш жараёнларида муҳим ахлоқий-эстетик қадрият намунасида. Бу аввало, таълимотнинг покланиш ва камолотга эришувнинг асоси эзгулик, яхшилик қилиш, халқ мушкулини осон этиш деб тушунтиришида, қолверса, фақат Оллоҳни қалбида жойлаб тақво ва тоат қилиш билан эмас, балки Аллоҳ берган қўлни меҳнатга банд қилиш, яъни маълум ҳунарни эгаллаб одамларга фойда келтириш заруратини тақозо этади.

¹ Наврўзова Г. Нақшбандий тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон. ф.ф.д. дисс. –Т.:2002. 102-б

“Дил ба ёру даст ба кор ” – Инсон ҳаётнинг ўткинчи эканлигини, бутун моҳияти билан англаб етиш, инсонни умидсизлик, узлатчиликка эмас, ҳаётнинг кадрига етиш, инсонпарварликка, ахлоқий гўзалликка чақиради. Ҳаётдаги гўзал, эзгу ишлар инсонга хайр бахш этиб, башарият хотирасида ўчмас ва шарафли ном қолдиришни, адолатсиз ишлар эса, инсонни заҳмат, ўнгланмас ғам-ташвиш қаърига отибгина қолмай, у вафотидан сўнг “бирор савобли, хайрли иш қилмаганлиги учун” маломатга учраши, тавқеъ-лаънатга дучор бўлишини уқтиради. Фоний ҳаётдаги барча амаллар Оллоҳ номи билан унинг шарафига бағишлаб, амалга оширилади. Ўша амалий жараёнда ҳам, Оллоҳ киши қалбида бўлиб, руҳий мадад беради.

Тасаввуф таълимоти оламда яратилган барча нарсалар Оллоҳнинг зухуроти эканлигини кўрсатиб, улар маълум мақсадда яратилиши таъкидланади. Ҳар бир киши нарсанинг моҳиятини кўра билиши, унинг ботиний, ички томонини англаб олиши керак. Оллоҳ сўзламайди, у яратгани орқали бизларга нима демоқчи бўлса англатади. Демак, инсонни ҳам қўл билан яратибдими, бу қўллар гўзаллик, улуғворлик, эзгулик, яхшилик учун хизмат қилиши ва ҳалол меҳнат билан шуғулланиши керак.

Оллоҳ инсонларга қўлларни ато этиб, уни меҳнат қилишга чорлаган. Лекин, сўфийлар дунёдаги бойлик ва мол-мулкдан кўнгил узган кишилар бўлганидан, улар бу меҳнатни ўзгалар оғирини енгил қилиш учун бажардилар. Бундай холис, эзгулик ниятидаги меҳнат жараёнида инсон руҳан юксалади. У топган нарсаларини муҳтожларга улашиб, фақат эзгу ишлар билан шуғулланади ва руҳан эркин бўлади. Шунинг учун ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар:

*Аз дарун шав оинову, аз берун бегона ваи,
Инчунун зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.*

Мазмуни:

*Ичдан оино бўлу, ташқаридан бегонадай бўл,
Бундай гўзал равиш бутун жаҳонда оздир.*

Бу мисралар орқали инсон қалбида Тангрини сақлаши ва буни бошқаларга билдирмаслиги ҳамма қатори меҳнат қилиб яшаши зарур дейди. Бундай пок, гўзал равишни жаҳонда оз учраши кўрсатилади.

“Дил ба ёру даст ба кор ” ғоясида гўзаллик, уйғунлик ўз аксини топган. Агар инсон дунё ишлари йўлида фақат тирикчилик ғамида эртаю-кеч меҳнат билан банд бўлиб, Аллоҳни унутса, ёки Аллоҳ йўлида деб фақат тоат-ибодатга берилса, бу ўринда мақсадга мувофиқлик бўлмасди. жамият учун меҳнат қилиб, гўзаллик яратиш билан машғул бўлса ва қалб Яратган билан бирга бўлса бу нақадар гўзал ҳодиса.

Нақшбандия таълимотининг асоси “хилват дар анжуман” тамойилининг моҳияти шундаки, Тангрини таниш учун анжумандан узоқлашишга зарурат йўқ. Балким “Даст ба кору - дил ба ёр”, “Дил ба ёру тан дар бозор” деб ҳалол меҳнат қилиш лозим. Нақшбандий таъкидлаб айтадики, Тангрини таниш учун чилла ўтириш, узлатга чекинишга зарурат йўқ. Аксинча ҳалол меҳнат билан, жамоага фойда келтириб, фано бўлиш ва боқийлик даражасига етиш мумкин. Чунки ҳалол меҳнат жараёнида инсон нафсини жиловлайди, ўзини танийди ва шу орқали Тангрини ҳам танийди. Нақшбандия таълимотида “хилват дар анжуман” талаби асосида вужудга келган

Турк тасаввуфшунос олими Ориф Усмон “Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида” рисоласида мазкур шиорнинг фавқулудда муҳимлиги ва нақшбандия таълимотининг туб моҳиятини ва ижтимоий дунёвий аҳамиятини белгилаб беришини назарга олиб, унинг ўзбекча, туркча, татарча таржималарини ҳам келтирган. Бу машҳур шиордаги “Даст ба кор ” яъни “қўл ишда талаби” “ дил ба ёр ” лик ҳолатидан олдин келган. Бу эса нақшбандия тариқатида ижтимоий дунёвийлик асосий масала эканлигидан далолат беради. Ҳар бир киши меҳнат қилиши билан ўзининг имонли эканлигини кўрсатишини ифодалайди.

Тасаввуфнинг мавлавия тариқати асосчиси Жалолоддин Румийнинг (1207-1273) Оллоҳ берган жисмоний ва руҳий қувватларни меҳнат қилишга, эзгу ишга сафарбар қилишга чақириш хилват ва анжуманга оид қарашларни

шакллантиришга таъсир этган. Нақшбандия тариқатида ҳам “Дил ба ёру - даст ба кор” тамойили асосида меҳнат қилиб, қалбда Оллоҳни асраш, ҳалол меҳнат билан кун кечириш ва ўзгалар учун ўзни нисор этиш ҳақидаги таълимотни яратилишда бу қарашларнинг таъсири бор.

Нақшбандия йўлини танлаган шахс бошқалардан ботинан фарқ қилади, чунки унинг ботини, қалби Оллоҳ билан бўлади. Шунинг учун Баҳоуддин бундай яшаш тарзини “зебо”, “гўзал”, “равиш” деб айтган. Чунки қалбида Оллоҳ бўлган бундай кишиларнинг барча амаллари холис ва риёсиз бўлади. Баҳоуддиннинг ўзи мудом пайғамбар, валий ва пиру устозларнинг ўғитларига амал қилган. У ўзи кимхоб номли қимматбаҳо газламага нақш босган ва деҳқончилик билан шуғулланган, ҳалол луқма ва огоҳлик туфайли валийлик ва орифи раббоний рутбасига етган. Баҳоуддин ўзига ўхшаганларни дарвешлар деб атаган ва уларга баҳо берганда шундай таърифлаган :

*То дар ин ҳирқаем аз касемо,
Ҳам наран жему, ҳам наранжонем.*

Мазмуни:

*То шу ҳирқада эканмиз биз,
Бировдан ранжмасмиз ва бировни ранжитмасмиз.*

Қандай гўзал фазилят, ташқи томондан ҳеч кимдан ажралиб турмайдиган бу комил шахслар Тангрининг тақдирига тўла бўйсундилар ва бирор кишидан ранжмаслар ва ҳеч кимга озор бермаслар.

Нақшбандия тариқатининг буюк намоёндаси Алишер Навоий тасаввуф таълимотидан амалий мақсадларда фойдаланишга, бу таълимотнинг талаб ва тамойилларини гўзал ахлоқни тарбиялаш, эзгу-хайр ишларни амалга оширишга хизмат қилдирган. Шоир тайинли касбу кори бўлмаган одамларни ёқтирмаган. Жумладан, у кўча-куйда санғиб юрувчи қаландарлар, сохта шайх-сўфийларни “Ҳайрат ул-аброр” ва “Маҳбуб ул-қулуб” асарларида қаттиқ танқид қилиб “Мажолис ун-нафоис” асарида дарвештабиат олим-шоирлар, ҳунармандларни гўзал хулқли кишилар сифатида алоҳида ажратиб кўрсатади.

Бир сўз билан айтганда, меҳнат қилиш – ҳалол яшашнинг гарови, ҳалол еб, ҳалол яшамаган одам эса ҳақиқий том маънода комил инсон бўлолмайди. Наинки оддий дарвеш сўфийлар, балки улуғ шайхлар ҳам фойдали ҳунар билан шуғулланганлар, бировнинг қўлига қарам бўлишдан сақланганларким, бу ғоят ибратли аъмол эди (бу аъмол ҳозир бизга ҳам ибрат бўлишга арзирли) ва буюк Навоийнинг ҳусну рағбатига сазовор бўлганди. Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида Баҳоуддин Нақшбанднинг кашта тикишдан ташқари тижорат билан ҳам шуғулланганларини таъкидлаб ўтади. “Бовужуд, алар зоҳиран фоний машраб – ички дунёси Илоҳ ёди ила ғарқ, огоҳида шахс бўлган. Алар ўзларини жамиятдан хориж этмаганлар (“Ўзни қилмай яширун, ошкор”), жамоа ичра юриб, қалб хилватини ташкил этароқ, Мутлақ руҳ висолига эришиш йўлини таълим берганлар. Алар зоҳирий расм-русум, худинамолик, такаббурликни қатъиян қоралаганлар. Алар шайх Юсуф Хусайнийнинг: “Ал-Хайру куллуҳу фи байтин ва мифтоҳу ат-тавозуъ ва аш-шарру куллуҳу фи байтин ва мифтоҳу ат-такоббур” (Яхшиликнинг жами бир уйдадирки, унинг калити тавозедир ва ёмонликнинг жами бир уйдадирки, калити такаббурликдир) сўзларини муридларига кўп такрорлардилар.”¹

2003 йил 28 ноябрда улуғ аллома Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг 900 йиллигига бағишланган анжуманда Президентимиз Ислам Каримов сўзлаган нутқида шундай деган эди: “Бухорони Бухорои шариф даражасига кўтарган ана шундай аждодларимиз орасида хазрати Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак сиймоси алоҳида нуфуз ва мақомга эга. Бу улуғ шахс тимсолида инсон руҳиятининг нақадар теранлиги, бу дунёда ўз иродасини тарбиялаб, қалбини поклаб, нафс балосини енгиб яшайдиган одам қандай маънавий юксакликка кўтарила олиши яққол намоён бўлади. Бу буюк зот эл-юртга холисона хизмат қилиш, аввало, маърифат йўлида одамларнинг қалбига чуқур кириб бориш орқали уларда эзгу интилишлар, орзу-умидлар уйғотиш мумкинлигини ўз ҳаёти мисолида исботлаб берди.

¹ Алишер Навоий. Хамса.–Т.: Шарқ. 1998, 146-б

Буюк аждодларимиз яшаб ўтган даврдан бўён ер юзида не-не сурон ва тўфонлар рўй берганига замонлар, салтанатлар, ҳаётга қарашлар ўзгарганига қарамасдан, бу пири комилнинг “Дил ба ёру даст ба кор ” яъни “Қўлинг меҳнатда қалбинг Аллоҳда бўлсин” деган ҳаётбахш ҳикмати худди шу бугун айтилгандек жарангламоқда.

Яратганининг қудрати билан қаромат соҳиби бўлган бу азиз зотнинг руҳи поклари ўтмишда ҳам, бугун ҳам бамисоли юртимиз осмонида кезиб, она диёримизни ёмон кўзлардан, офат балолардан асраб келмоқда, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди”.¹

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур бобни қуйидагича хулосалаш мумкин:

Биринчидан, нақшбандия тариқатининг қоидалари ўз навбатида “Дил ба ёру – даст ба кор” ғоясининг ахлоқий-эстетик моҳиятини ақс эттиради. Ундаги бунёдкорлик ғояси инсондаги жисмоний, ҳиссий, нафсоний, ақлий, ижтимоий, манфаатларини уйғунлаштириб, камолга етказди.

Иккинчидан, “Дил ба ёру даст ба кор ” меҳнат жараёнида ҳалоллик, гўзаллик ва эзгулик билан ишлайдиган киши, албатта Оллоҳни қалбида сақлайди, яъни тилида эмас, дилида Оллоҳ эканлигини англайди, қалб гўзаллиги, ахлоқий гўзалликка эришади, деган ғояни илгари суради. Чунки у Оллоҳ берган ҳар бир нафас ва ҳар бир неъматини англаб, улардан тўла гўзаллик ва эзгулик йўлида фойдаланади.

Учинчидан, Тасаввуфда гўзалликдан мақсад тафаккур гўзаллиги англамоқ, олий жавҳар – Руҳий азалига монанд нарсаларнинг гўзаллигини қабул қилмоқликдир. Бу “Дил ба ёру даст ба кор ” ғоясида гўзаллик билан эзгуликнинг уйғун эканлигига асосланади.

Тўртинчидан, тасаввуф эстетикаси ботиний гўзалликни улуғлаши баробарида моддий гўзалликка ҳам бефарқ муносабатда бўлмайди. Бу эса

¹ Каримов И.А. Улуғ аллома Абдулҳолик Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига бағишланган маросимда сўзлаган нутқи//Халқ сўзи. 28ноябрь,2003й

тасаввуфни хурфикрлилик ғоялари билан йўғрилган таълимот эканлигидан далолат беради. Тасаввуф ана шу икки йўл билан инсонни тарбиялайди, ҳақиқат сари бошлайди. Зеро, Нақшбандия тариқатидаги «Дил ба ёру даст ба кор» тамойилининг моҳиятида ҳам баркамоллик, моддий ва маънавий асоснинг уйғунлигига, мукамаллигига таянади, деган ғоя мужассам.

- Бешинчидан, тасаввуфнинг нақшбандия тариқатидаги эстетик ғоялар ахлоқий ғоялар билан уйғунлашиб кетган. Бу ҳолат айниқса, “Дил ба ёру даст ба кор ” ғоясида гўзал тарзда ифодаланади. Чунончи, тасаввуф фалсафасига кўра ҳақиқий гўзаллик – бу мутлақ зот парвардигорнинг яккаю ягона вужудидан иборат. Бошқа гўзалликлар шу вужуд ижодининг инъикосидир.

3-БОБ. ТАСАВВУФНИНГ ШАХС ЭСТЕТИК КАМОЛОТИДАГИ АҲАМИЯТИ

3.1. Баркамол инсон шаклланишида тасаввуфнинг ўрни

Бутун маънавият тарихи шуни кўрсатадики, цивилизация дегани – бу инсоннинг ўз-ўзини англаши, ўзини камол топтириш учун олиб борган курашининг ҳосиласидир.¹ Барча динлар, таълимотлар, тафаккур даҳолари инсон қобилияти, руҳияти ва ахлоқини ўрганиш, инсонни тарбиялаш, тўғри йўлга бошлаб, баркамол, комил инсонни шаклланиши билан шуғулланиб келган. Инсон нима, нега у шунчалик буюк ақли, қилни қирқ ёрадиган заковати билан мўъжизалар яратишга қодир бўлгани ҳолда, яна тубан ишларга қўл уради, ҳайвоний ҳирсу нафс домига тушиб ўзини хароб этади, деган саволлар шарқ мутафаккирлари қалбини қадимдан эгаллаб келган.

Ҳужжат ул-ислом Имом Абу Ҳомид Ғаззолий “Кимёи саодат” асарида ёзадилар: “Инсон фаришта ва ҳайвон орасидаги махлуқдир. Ҳайвон ривожланмайди, чунки унинг камолот қуввати йўқ. Фаришта ҳам ривожланмайди, чунки унинг ўзи пок илоҳий нурдан иборат. Фақат инсондагина ривожланиш, руҳий камолот хислати мавжуд”.²

Демак, инсонни тарбиялаш, унинг моддий-ҳайвоний ҳирсларини барҳам топтириш (гарчи бу батамом мумкин бўлмаса-да) мумкин, ёинки, тасаввуф таълимотига асосан, инсон руҳи Мутлақ руҳнинг бир қисми бўлганлиги боис у моддий тубанликни тарк этиши, Илоҳ сари парвоз қилиши керак. Бунинг учун инсон ўз инсонлигини идрок этиб, ботиний оламини поклаб, маърифат нурларига тўлдириб бориши шарт.

Тасаввуфдаги комил инсон тушунчаси илоҳийлик ва инсонийлик тажассумининг мукамал ва олий даражаси, одамларнинг оламини бутунликда, азим уйғунликда кўриш орзу-хаёллари, камолот машъали бўлиш баробарида

¹ Комилов Н. Тасаввуф–Т.: Мовароуннаҳр-Ўзбекистон.2009,394-б

² Абу Ҳомид Ғаззолий. “Кимёи саодат”–Т.: 2000.120-б

аниқ шахслар, валийуллоҳ инсонлар рутбасини тан олиш ва қонунлаштириш ҳамдир. Чунки комил инсон барча илмлардан, зоҳирий ва ботиний донишдан бохабар, калбида ғайб асрор жўш уриб турган зот деб билинган. Ҳикмат аҳли ва тасаввуф аҳли фикрига кўра, инсонга фаолият учун инон-ихтиёр берилган, у ҳаракат қилиб, комиллик касб этиши, ниятларига етиши мумкин.

Яссавия тариқати асосчиси Яссавий инсонга баркамол шахс бўлиб етишишнинг қатор шартларини асослаган. Жумладан:

- Яхши фазилатларни эгаллаш;
- Ботиний оламни ёруғлик нури билан тўлдириш;
- Худони ўйлаган ҳолда халқни ўйлаш, халқни эса Худонинг бандалари деб ҳисоблаш;
- Яратганнинг дийдорига ошиқ бўлиш, Яратганни таниш, бу ўзидаги ақл-зеҳнга боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаган.

Яссавий қарашларида бошқа мутафаккирлар сингари ахлоқий гўзаллик энг юксак нуқтага кўтарилган. Яссавий бадий сўз, мусиқанинг ёшларга нафосат тарбиясини шакллантиришда аҳамияти катталиги, сўз-сухбат – жон озиғи эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, одамнинг бойлиги эмас, балки унинг яхши ишлари, илми, ширин сўзи, гўзал хулқи азоблардан қутқаради, шу сабабли инсон ҳар бир хатти-ҳаракатининг меъёри, ўлчамини билиши зарур. Барча ёмон ишнинг асосида дунёпарастлик, очкўзлик ётади. Жохиллар молу дунё йиғиш учун Худони, подшони, одамларни алдайдилар, фозиллар эса аксинча, Худога итоат қилиб, покиза яшашлари керак деган фикрни баён қилади.

*“Ҳақиқатнинг маъносига етган киши,
Беҳуд бўлиб куйиб ёнар ичи таши”.¹*

Яъни, ҳақиқатнинг маъносига етган ҳар бир киши комил, билимдон кишидир. У бефарқ, лоқайд эмас. Шу туфайли ҳам у “ичи-таши” ёнган одамлар дийдорини қўмсайди. Улар билан бирга бўлишни орзу қилади, уларни ҳаёлан излайди. Ботин ва зоҳир, яъни агарда кишининг ичи ва ташида ўзаро уйғунлик

¹ Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат–Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992. 102-б

бўлса, бу уни комилликка элтади, дейди. Чунки бу икки жиҳат бир-бирини тўлдириб такомиллашади. Яссавий нуқтаи назарига кўра комил инсон бўлиб шаклланган шахсда ахлоқий гўзалликка, маънавиятга интилиш, поклик ва покизаликни, Ҳақни севиш, уни кўмсаш ва излаш мавжуд бўлади.

Нақшбандия тариқатида ҳам энг муҳим масала - бу инсон, унинг тарбияси ва камолоти мавзусидир. Бу таълимотда ҳам инсоннинг моҳияти ва ўзига хос тузилишига эга эканлиги асосида унинг руҳий-маънавий камолоти масалаларига эътибор берилади. “(Эй, Тангри) Сен ўз кўлинг билан бизни яратдинг, парвариш этдинг ва барча касрат-кўплик орасида бизни энг юксакликда кўйдинг” – деб Баҳоуддин Тангри томонидан яратилган нарсаларнинг барчасидан инсон мукамал ва юксакликда турганлигини уқтиради.¹

“... Бизни юксакликда кўйдинг” – ибораси билан ҳазрат Баҳоуддин инсонни тангри халқ қилган, яъни яратгани ва инсон бутун мавжудотлар – фаришта, ҳайвон, ўсимлик ва бошқалар ичида энг мукамал бўлганлиги ва шунинг учун ҳам илоҳий сифатларни эгаллай олишини эътироф этади. Баҳоуддин бу ибора билан инсонни Тангрининг ердаги халифаси эканлигини айтади. У доимо шу номга муносиб бўлиши учун ҳаракат қилиши лозимлигини таъкидлайди.

Нақшбандий таълимотида шахснинг ахлоқий-эстетик камолотига доир қарашларни ифода этувчи яна муҳим бир омил, бу унинг сермаъно, ирфоний ҳикматлари, ўғит, ибораларидир. “Сабр ва чидамда ноғора каби бўлмоқ лозимки, у қанчалик шапалоқ емасин, бироқ ўз одатига хилоф овоз чиқармайди.”²

Нақшбанднинг фикрича, илм йўлидаги шогирд суҳбатда камол топиши, бунинг учун қобилиятли, фаросатли, тиниб-тинчимас, кучли ирода эгаси меҳнаткаш бўлиши керак. Нақшбанд илм ўрганувчини дурга ўхшатса, мураббийни эса дурга шакл берувчи устага ўхшатади.³

¹ Наврўзова Г. нақшбандий тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон. ф.ф. док. дисс. – Т.: 2002

² Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Ҳожа Баҳоуддин Балогардон – Т.: 1993, б-97

³ Боқир Муҳаммад. Баҳоуддин Балогардон. (Форс тилидан Маҳмуд Хасаний. тарж. – Т.: Ёзувчи, 1993. -206б)

- “Муршид толибининг ўтган, ҳозирги ва келажак каби унинг ҳолидан бохабар бўлиши керак, шундагина уни тарбия қила олади”. Бу ўғит таълим-тарбиявий аҳамият касб этиб, муршид (устоз, тарбиячи) бўлғуси талаба шогирднинг ўз замонини, ўтмишини, ҳозирини ва келажagini ҳам яхши билмоқлиги керак бўлади. Яъни шогирд то шу кунгача қандай бўлган, ҳозир қай даражада ва келажакда у қай мартабага эриша олади. Ўша жиҳатларни била оладиган муршид чин маънодаги устоздир. Бундай фазилатга эга бўлган устоз замонавий ибора билан айтганда, замон талабларига жавоб бера оладиган, замон билан ҳамнафас устоздир. Айни чоғда ушбу ўғит, ҳозирги замон маорифчиларимиз учун ҳам дастури амал вазифасини ўташи мумкин.

Шунингдек, агар ҳар қандай кишида илм эгаллашга ҳошиш-истак, кизиқиш бўлса, у ўз йўлига ўзи тўсиқ қўймайди, бунда унга устозидан амалий ёрдам сифатида ғамхўрлик ва меҳр керак бўлади. Устоз ўзининг бор билим ва тажрибасини интилувчан шогирдларидан аямайди:

*Сухбатда сен кўнгулга доимо йўл топиб бор,
Яхшиликка ошно бўл, ёмонликка сен душвор.
Ёмонлар суҳбатидан қочмасанг сен дўсгинам,
Азизоннинг руҳи рози бўлмас биру-бор!¹*

Нақшбандия тариқати кишиларда ахлоқий гўзаллик, самимийлик, ҳалоллик, ростгўйлик, сабр-қаноатнинг таркиб топишига йўллайди.

Ижодкор жамият бағрида яшар экан, шу замоннинг кишилари билан кўзга кўринмайдиган, аммо мустаҳкам иплар билан боғланган бўлади. Бу иплар уни кишилар билан алоқада бўлишга, айримларини ёқтиришга, бошқаларини хуш кўрмасликка мажбур қилади. Ёқтириш, ёқтирмаслик эса ижодкорнинг инсон сифатидаги характерига боғлиқ. Ижодкорнинг кишилар, уларнинг характерларга муносабатини таҳлил қилиш билан бирга унинг шахсий иқтидорини ҳам аниқлаган бўламиз. Ушбу ўринда яхши ва ёмон, сахий ва бахил кишилар ҳақидаги қарашлари Нақшбанднинг шахсиятини очиб беришга хизмат қилади. Хусусан, “ҳар кимнинг қобилият тухуми ихтилофини суҳбатлар

¹ Ўша манба. -806

таъсири остида бузилган бўлса, бунинг (тузатиш) чораси қийиндир. Кибрити аҳмар ҳисобланадиган авлиёлар суҳбатидан ўзга нарса уни тузатолмайди”¹.

Баҳоуддин Нақшбанд ўғитларига, қилган ишларига ибрат кўзи билан караб, уларни ҳар томонлама ўрганиш, ёш авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлиб камол топишида муҳим аҳамиятга эга.

Таълимотнинг асосий талаби бўлган “Даст ба кору дил ба ёр” шиори ҳам жисмоний, ҳам қаноат йўлидир. Чунки бекорчилик инсонни тошбағир қилади. Холис меҳнат эса қалбни юмшатади кишини қалб гўзаллигига эришишида муҳи ўрин тутди ва инсонни ҳаракатга келтириш орқали уни салбий иллатлардан қутқариб, комиллик сари элтади.

Нақшбандия тариқатининг буюк намоёндаларидан бири Алишер Навоий асарларида ҳам комил инсон мавзусига алоҳида тўхталиб ўтилган. Эпик, лирик ёки насрий асарларида бўлсин, улуғ адиб биринчи навбатда инсондаги салбий хислатларни кўзгуда акс эттиргандай кўрсатиб, нажиб эзгу хислатлар, фазилатларни эгаллашга чорлайди. Жаннатдан қувилган Одам Ато авлоди яна покланиб, ўз асл ватани – Парвардигор ҳузурига қайтиши керак. Навоий ана шу мавқедан туриб, ислом, имон, тавҳид, шариат ва тариқат масалаларини қаламга олади. Навоийнинг бутун ижоди комил инсон тарғибига қаратилган. Унинг ошиқона ғазалларида ҳам комиллик ҳақидаги сўз ва маъно эзгу ният бутун назокати, шижоат, ҳасрат ва ҳайрат, баъзан биз қаттиқ севган, ўрганган, баъзан эса эътибор бермаган манзаралар ифодаси билан намоён бўлади. Гўё шоир комилликни ифодалашнинг, уни эгаллашнинг хилма-хил йўлини топган. Шу йўлларнинг барчаси билан охири ягона мақсади оламу одамни бенуқсон комилликда кўришга интилиб, бу ҳақиқатни ўзгаларга ҳам намоёиш этишнинг уддасидан чиққан.

Навоий учун дарвеш поклик ва маънавий камолот идеали, Комил инсон. Унинг деярли барча асарларида дарвеш, ориф инсонлар ахлоқи ҳақида фикрлари бор. Унинг тасаввуфий асарлари ҳисобланган “Насойим ул-муҳаббат” ва “Лисон ут-тайр” да дарвешлар сийрати, ҳамда хулқ-атвор ва

¹ Ўша манба. -986

жавонмардлик хусусиятлари таъриф-тавсиф этилади. Навоий дунёнинг асосий ҳақиқат ва ҳодисотларини битта тебранмас ўлчов билан баҳолайди. Бу – ростлик ва тўғрилиқ. Унингча, инсоний қиёфа дегани ҳам ростликнинг шахсдаги тазаҳҳуридир. Ёлғон эса кишининг юзинимас, юзсизлигини намоён айлайди:

*Агар сўзи чиндир – кўринур юзи,
Кўринмас юзи – бўлса ёлғон сўзи.*

Навоий тўғриликдан ажралиб ёки тўғрилиқнинг кўзига чўп суқиб яшашдан кўра, одамман деб бош кўтариб юрмасликни афзал билади:

*Бировким эрур ростлиқдин йироқ,
Анингдек киши бўлмаган яхшироқ.*

Инсон вужудида илоҳий жавҳар бор, лекин ушбу жавҳарни поклаб, аслиятга кўшиш инсоннинг ўзига боғлиқ, демоқчи шоир. “Бунда сенга йўл кўрсатувчи йўк”, деганда шу маъно назарда тутилган. Чунки агар инсон ўзи интизмаса, ўзи ўзлигини таниб, Холиқини ҳам танишга бел боғламаса (“Кимки ўзини таниса, Раббисини танийди” ҳадиси), ҳар қандай пири муршид раҳбарлик қилганда ҳам бирор-бир натижага эришолмайди. “Охирида йўқотган нарсанг” ибораси инсоннинг аслидан жудо бўлишига ишорадир. Аттор дейдики, аслингдан айрилиб қолдинг, шунинг учун қалбингда жавҳари зот бўлса-да, лекин Холиқ дийдоридан узоксан. Аммо ана шу қалбингдаги жавҳаринг барибир сени Холиқ томон етаклайди, сенинг раҳбаринг шу қалбинг жавҳаридир. Фалаклару қуёш ва юлдузлар сен туфайли яратилган, сенда уларнинг барчасини хусусияти бор, сен олами Кубронинг мухтасар нусхасан, лекин сенга шундай қудрат бағишлаган ана шу илоҳий куч гоҳ кўринади, гоҳ йўк, гоҳ ичингда, гоҳ эса ташқарида.

Бунда муаллиф илоҳий қудратнинг инсон билан биргалиги, аммо инсон уни кўрмасдан, сезмасдан юришига ишора қилмоқда.

Шундай қилиб, аслга қайтиб, у билан кўшилиш учун ичдаги жавҳарни ривожлантириш керак. Фаридиддин Аттор назарида вужуд, моддий дунё –

сурат, Жавҳари зот эса маъно-моҳиятдир. Яъни чин ҳақиқат, ҳақиқий мавжудлик Мутлақ руҳнинг ўзи. Инсоннинг вазифаси сурат қайдидан кутулмоқ, аниқроғи, суратни синдириб, маҳв этиш орқали маъни куллиятга эришиш.

Демак, илоҳиёт муҳитининг чексизлиги дарё ёки денгизга қиёсланган, инсон саҳрода қолган ташна каби шу денгизга интилади. Аттор яна бир ўхшатишни қўллайди: дунё – қудук, моддият, вужуд – қудукдаги сув. Инсон руҳи шу қудук зиндонида асир. Қудукнинг суви кўзларимиз олдини парда бўлиб тўсиб олган: Сен сув ичидасан ҳозир, аммо бундан қандай қилиб кутулишни билмайсан, сен ҳозир сувдасан ва парданг ҳам сувдир, эй дўст, бу сувда бундай фарқ бўлиб қолма!

Фаридиддин Аттор инсон ҳам тавҳид катраси ва ҳам тавҳиднинг ўзи, яъни унда Ваҳдат хусусиятлари жамулжам. Ҳусайн Мансур Халлож ана шу ҳақиқатни англаб етди ва уни “Анал-Ҳақ” деган ибора билан ошкора этди, дейди Аттор. Лекин бунинг учун Мансурни гуноҳкор ҳисоблаб, қатл этдилар. Аттор Мансур ғояларини жўшқин бир эҳтирос билан куйлаб, чуқурлаштирган эди. Унинг учун Мансур Халлож бир идеал, балки чинакам комил инсон ҳам. Атторнинг кўп асарларида Мансур номи тилга олинади, “Жавҳар уз-зот” ва “Ҳайлож” дostonларида эса Мансур марказий қаҳрамон бўлиб кўзга ташланади. Мансур гоҳ Шайх Шиблий, гоҳ Боязид, гоҳ Жунайд билан суҳбатга киришади, тасаввуфнинг турли масалалари устида фикр юритади. “Жавҳар уз-зот” дostonининг бир бобини Аттор махсус “Дар аёни Мансур гўяд” (Мансур сирининг аёнлашуви ҳақида сўз) деб номлаган. Хуллас, Мансур Халлож Аттор учун тавҳиднинг тимсоли, инсоннинг камол топиб, ҳақ ва ҳақиқатга айланган реал образидир. Аттор нақлларидаги, ҳикоятларидаги рамзларни, мажозларни кузатилса, адабиёт илоҳий куч эканини яна бир бор ҳис этилади. Аттор талқинига кўра, Мансур Халлож одамларнинг Аллоҳга бўлган эътиқоди йўлида ўзини қурбон қилди. У илоҳиётга қайтди. Унинг вужуди илоҳий завқни англаб қолгандан кейин бесабрликка берилди. Унинг фожеаси ҳам, улуғлиги ҳам шу эди.

Атторни илоҳий рамзлар, сирлар шоири дейиш мумкин. Лекин, гарчи шоир ғайб сирларидан сўз очиб, оламини билишнинг ақлий усулини рад этган ҳолда барча тасаввуф аҳли каби, ботиний туйғуни ишқни билишнинг асосий воситаси ҳисобласа-да, унинг бутун асрорлари дунёни ва унинг Моҳиятини англашга беҳад чанқоқликнинг исботидир. Илоҳий билимларнинг чексизлиги инсон истеъдоди, тахайюли ва шуурининг, ботиний қобилиятининг чексизлигидан нишона, шунинг тасдиғидир. Илоҳ- тафаккур ва билишнинг чексизлиги, туганмаслиги тимсоли. Фариддин Аттор шу тимсолни Ҳақ деб, тинмай унга интилади, уни кашф этиш иштиёқида ёнади.

Комил инсон муаммоси кишилик дунёсининг азалий эзгу нияти бўлиб, тарихий тараққиёт даврининг барча босқичларида ўзининг бирламчилиги, ўта долзарблиги билан алоҳида ижтимоий-маънавий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий аҳамият касб этиб келган. Шунинг учун “Авесто” дан бошлаб комиллик масаласи тадқиқот предметига айланган. Табиат билан жамият ўртасида ҳукм сурувчи ҳар хил алоқа ва муносабатларни амалга оширувчи, унинг неъматларини тартибга келтиришда фаол иштирок этувчи онгли мағрур зот ҳамда олам мўъжизаларини англашга интилувчи комил инсон масаласи ҳар бир давр учун ўта аҳамиятли ҳисобланади. Чунончи:

- баркамол инсон тарбияси ахлоқий-эстетик тарбия уйғунлигида амалга оширилиши лозим. Агарда инсоннинг маънавий қиёфаси эстетик тарбиянинг инсонпарварлик асослари билан уйғунлашса, бунда унинг маънавий-ижтимоий камолоти таъминланади ҳамда у комиллик даражасига кўтарилади.

- Нақшбандия тариқатининг ахлоқий-эстетик мазмунида инсонларни муҳаббат асосида бирлаштириш, инсондаги одамийликни камол топтиришга ишора бор. Бу чинакам инсонпарварлик ғояси бўлиб, тариқатда илгари сурилган бу ҳикматлар асрлар давомида яшаб келмоқда.

- Нақшбандия тариқатининг асосини инсоннинг ҳам руҳан, ҳам жисман покланиши ташкил этиб, бу жараён ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бугунги кунда ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда

унинг ахлоқий тизими йўллари ва усуллари қўл келади. Зеро, ақлий, ахлоқий, жисмоний камол топган шахсни шакллантиришнинг ҳам руҳий, ҳам маънавий тарбиялаш силсиласи бунинг яққол далилидир.

3.2 Нақшбандийлик тариқатида шахсни эстетик тарбиясига доир қарашларнинг аҳамияти

Чинакам комиллик инсонпарварликда намоён бўлади. Чунки инсонпарварлик энг аввало ҳар бир инсонни ўзи учун қаратилганлигини, ҳар бир киши бундан маънавий-руҳий озуқа олиш билан бирга ҳатто моддий-маънавий ҳам манфаатдор эканлигини англаганда, у комилликни онгли ҳаёт зарури сифатида тушунади. Бу инсонни ўзлигини англашдан бошланади. Ўзлигини англаш инсонни нодир, мустақил, эркинлигини англаш ва уни таъминлаш билан бирга унинг вужудини руҳий-ҳиссий сиймо эканлигини англаштирибди. Руҳий-ҳиссий вужуд ахлоқий-эстетик сифатлар мажмуасидан иборат бўлиб, улар гуманистик йўналтирилганда инсон маънавий-ҳиссий камолотга эриша боради.¹

Муסיқа, рақс санъати, рассомчилик, ҳайкалтарошлик, меъморий ансамбллар, табиатнинг гўзал манзаралари, кундалик ҳаётда ишлатиладиган буюмлар, инсонларнинг ўзаро муносабатлари, фикрлаши ва ҳатто ҳатти-харакатлари инсонни завқлантириб, ҳаяжонлантирибгина қолмасдан, балки шу воқеалар ҳақида ўйлантиради. Воқелик тўғрисидаги билимларни чуқурлаштириб, охир-оқибатда дунёқараш ва тимсоллар, эътиқод, иймон ва дидни шакллантиради. Ахлоқий-эстетик тарбиянинг уйғунлиги, тарбиянинг муҳим шартидир. Нақшбандия тариқати намоёндаси Навоий асарлари кўнгилларнинг нозик торларини тўлқинлаштириши, қаҳрамонларнинг олижаноб фазилатлари, чуқур мазмун, бадий тасвирнинг образлилиги билан мафтун этади.

Нақшбандия тариқати намоёндалари тасаввуфни тарбиявий хизматига алоҳида эътибор бериб, жамият ахлоқини фақат шу йўл билан тозалаш мумкин деб ўйлаганлар. Навоий асарлари ва фаолиятида гўзаллик инсон ва дунё ўртасидаги гармоник ҳолат сифатида бир бутун қаралади. Зеро, тарбияда энг аввало қалб гўзаллигига эришиш учун шеърийат маъносини тушуниш ва уни ўзига сингдириш, ҳис этишдан бошланади. Навоий айниқса ёш авлод

¹ Ҳамроева Ҳ. Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ғояларидан фойдаланиб ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш. п.ф.н.автореферат–Т.:1999 55-б

тарбиясига эътибор қаратган. Унинг фикрича, ёшлар тарбияси бу – мактаб, илм-фан ва комилликка ғамхўрлик демак. Мактаб, таълим-тарбия ва илм ўчоғига айлантирилмас экан, навқирон авлодга қараганда ёши улуғлар бундан кўпроқ зарар тортади. Яъни:

*Чу ёшларга боғланса мактаб йўли,
Бўлур гум қариларга мазҳаб йўли.¹*

Навоийнинг ушбу қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. *Биринчидан*, ёш авлоднинг эстетик онг, туйғу, эстетик дид, маданият, тасаввур, эътиқод ва қарашларини шакллантиришда ажодларимизнинг ўлмас маънавий мероси улкан нодир манба бўлиб хизмат қилади. *Иккинчидан* ёш авлоднинг ахлоқий-эстетик тарбиясида мактабгача таълим муассасалари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказлари ҳамда олий таълим муассасаларида олиб борилаётган ишлар бунинг яққол далилидир.

Шоир асарларининг ҳир бири ўзига хос бетакрор бадиий ранг-баранглик касб этган. Маълумки, Алишер Навоий кўлёмалари Шарқнинг машҳур зарринқалам хаттотлари томонидан юксак маҳорат билан кўчирилган. Алломанинг адабий меросини ўрганиш учун аввало хаттотлик санъати сирларини ёшларга пухта ўргатиш зарур. Чунки Навоийнинг улкан мероси эски ўзбек алифбосидаги хаттотлик санъати орқали етиб келган. Ушбу ёзувда битилган кўп асрлик нодир кўлёмза матнларини ўқиш эса кишини шахмат ўйини сингари фикрлашга чорлаган ва бу айниқса, ёш авлодни эстетик тарбияси, маънавий камол топишида муҳим омил саналган. Ўтмишда ҳам бобокалонлармиз ёшларни жисмонан соғлом, ақлан баркамол қилиб тарбиялашга эътибор қаратган. Бунда араб хаттотлигидаги зеру забарсиз мумтоз кўлёмза манбалардан ўқитишни муҳим услубиёти сифатида қўллаганлар. Бундай услуб шубҳасиз, самарали натижа берган. Умуман,

¹ Иқтибос И. Ҳаққулдан олинди. Маъно ва тафаккур зиёси// Нақшбандия №1.2009

кўлёма асарлар хоҳ зеру-забарли, хоҳ зеру-забарсиз бўлсин, таълим жараёнида ўқитиш услубиётининг мукамал манбаи бўлиб хизмат қилган.¹

Кўлёмалар котиб ва хаттотлар томонидан шу даражада маҳорат билан ёзилганки, натижада Шарқ хаттотлик санъати туркий маданиятнинг ноёб санъати сифатида шаклланиб, етти иқлимга доврў таратган. Бунда хаттотлик нафақат зоҳиран ёзув санъати балки ботинан ўша давр комил инсонининг ички маданияти мунаввар ҳиссий олами, қолаверса, таҳайюлотини ўзида мужассам этган. Ушбу санъат тури кишини эстетик тарбиясини, дунёқарашини ривожланишига олиб келган. Навоий кўлёма асарларида чиройли хуснихат, ёзув билан боғлиқ бўлган синоатлар кўп учрайди. Шоир кўлёма асарларида хат ва хаттотлик билан боғлиқ тушунчаларга кенг ўрин беради. Чиройли хуснихат соҳибларини ўз сўзлари билан муносиб тақдирлайди. “Яхши хат ва нуқтадин сафҳага юз, саҳфасиға хатту хол, хушнавис котиб сўзга орийш берур ва сўзлагувчига осойиш еткарур”.² Шунингдек, Навоий киши чиройли хат соҳиби бўлгани билан бесавод бўлса, у ҳам яхши аломат эмаслигини такрор-такрор айтади: “Улки, бежо нуқта билан “ҳабиб” ни “ҳабис” қилғай ва “муҳаббат”ни “меҳнат” анингдек ҳабиси меҳнатзадаға юз лаънат”.³

Навоий ҳамма жойда, ҳамма кори-холда сўз ва фикрнинг исботи ўлароқ фаолиятга урғу беради:

*Сен агар зоҳир эттинг итликни,
Мен сенга кўргузай йигитликни.*

Бундай сўзлардан ўзини ҳурмат қилган одам “итлик” салбий иллатларини қандай бартараф айлаш зарурлигини беҳато англайди.

Нақшбандия тариқатининг шахс ижтимоий ахлоқий-эстетик камолотидаги аҳамияти – унда ҳалол меҳнат билан кун кечириш ғоясининг тарғиб қилинганлигидир. “Даст ба кору дил ба ёр” шиори кишиларни ҳалол меҳнатлари асосида оилавий фаровонлик, жамият тараққиётини таъминлашга

¹ Ҳақимов М. Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. Илмий тўплам–Т.: 1991, Б 44-45

² Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб// Мукамал асарлар тўплами–Т.: Фан.1998, Б26-27

³ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб// Мукамал асарлар тўплами–Т.: Фан.1998, б-27

ундаб келган. Айнан мана шу шиор давлатимизда бозор иқтисодиёти шароитида жамият фуқаролари учун ҳам ҳаётий дастур бўлиб хизмат қилади. Зеро, жамият фуқароларининг ижтимоий фаолликлари туфайли моддий ҳамда маънавий ишлаб чиқариш соҳаларида муайян ютуқларга эришиш, ижтимоий тараққиётни ривожлантириш мумкин.

Кишининг ҳалол меҳнати билан кун кечириши нафақат ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этиб қолмай, балки у индивидуал хусусиятларини ҳам ифода этади. Яъни ҳалол меҳнат, хусусан жисмоний фаолиятни ташкил этиш ёш авлодни маънан ҳамда жисмонан камолга етишига пойдевор яратади. Ёш авлоднинг тасаввури, идроки, тафаккури, шунингдек дунёқарашини бойитади, иродасини чиниқтиради ва характерини мустаҳкамлайди. Инсонда мустақил фикр эгаси бўлишдек сифатни шакллантиради. Муайян фаолиятга нисбатан ижодий ёндошувни қарор топтиради. Бу эса ўз навбатида, жамиятда мустақил фикрловчи ижодкор, баркамол ёш авлодни тарбиялашда ҳам назарий ҳам амалий аҳамиятга эгадир.

Манбаларда келтирилишича, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ўзига жуда талабчан бўлиб, ўзининг вужудини турли нарсаларга ўхшатар эканлар. Бу ҳақда Навоий “Лисон ут-тайр” достонида шундай мисол келтирган: бир куни Хожа Баҳоуддин кўзи бир итга тушди. Шайх уни ўзи билан тенглаштириб кўзига ёш олади:

*Деди: “Ул ақли вафодур, мен –эмон,
Ўзни онинг зоҳир ўлмаи жуз жафо”.¹*

Ит ўтиб кетганидан кейин, тупроқдаги ит изига қараб Шайх яна нисбат қилишни давом эттириб:

*Деди: “Мен ортуғ эканму ё бу из?”
Яна ўзни деди: “К-эй инсофсиз,
Ул вафо ақли оёғидин нишон,
Сен вафосизлиғ сари доманкашон”.²*

¹ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. (Насрий баёни билан)–Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти.1991, 464-б

² Ўша асар. 465-б

Навоий ўз фикрини шу тарзда давом эттириб, шуни таъкидлайдики, Хак аҳли ўз вужудини шу тарзда инкор қиладилар, борлиғини йўққа чиқарадилар. Бу фақат фонийликка, камолотга етган солиқнинг қўлидан келади. Булар ўзлигидан чиқиб, абадий борликни қўлга киритадилар. Маълумки, эстетик тарбия доимо ахлоқийлик билан “келишиб” фаолият олиб боради, у туфайли одамлар ўзаро муносабатларнинг инсоний ва гўзал бўлишига эришадилар.¹ Файласуф, Абдулла Шернинг фикрича, илмий меҳнат табиатан эстетик кечинмаларга бой, чунки унда билимга бўлган иштиёқни, ижод ҳиссини ва инсоннинг ҳайратланиш қобилиятини намоён қилувчи ботиний куч мавжуд. Бундан ташқари илм ўрганиш жараёнида инсондан жуда катта куч, ақлий салоҳият, меҳнат ва сабр талаб қилинади.

Нақшбанд ёш авлоднинг меҳнат тарбиясига тўхталар экан, касб-хунар орқали ҳалол луқма топиш тўғрисида ҳам диққатга сазовор фикрларни билдирган. Нақшбанд инсонни касб-хунар эгаллаш ва ҳалол меҳнат қилишга даъват этар экан, ҳалол турмушнинг калити меҳнатдир, деган хулосага келади. Нақшбанд фикрича, ибодат ўн қисмдан иборат, ибодатнинг ўндан тўққиз қисми ҳалол касб талабига амал қилишдир ва шундан ўндан бир қисмига – бошқа ибодатлар- намоз, рўза ва бошқалар. Баҳоуддин Нақшбанд фикрича, инсоннинг ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишига ва яхши яшашга сабаб бўладиган биринчи омил меҳнатсеварликдир. Нақшбанднинг ўзи ҳам том маънода меҳнаткаш инсон эди.

*Қўлингни эт меҳнат бирла банд,
Дилинг бўлсин ёрингга пайванд.²*

Нақшбанд кишилик жамиятининг асосини моддий неъматлар учун бўлган ҳаракатларда яъни ижтимоий фойдали меҳнатда деб билади. Меҳнат билан шуғулланишнинг афзаллиги, бутун дунё мушкулотларини енгиш ва энг яхши инсоний фазилатларни эгаллаш учун калит эканлигини уқтиради.

¹ Абдулла Шер. Эстетика. Маърузалар матни. Тошкент, ЎзМУ, 2007. 393-бет.

² Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим.–Т.: Мовароуннаҳр, 2001.-96б

Тариқатнинг турмуш эстетикасига доир қарашлари ҳам диққатга сазовор. Баҳоуддиннинг ўзидан бошлаб энг кичик, тариқатга энди кириб келган солиқкача риоя қиладиган бош ва асосий талаб: ҳар қандай бошқа инсонларга ўхшаб, улардан ўзини ажратмасдан, ҳалол меҳнат билан бирор касб-ҳунарни яхши эгаллаб, ўшанинг ҳисобига кун кечириш, сўфийлик, дарвешликни тирикчилик манбаи қилиб олмасликдир. Нақшбандия тариқати амалиётида айниқса, умуминсоний кадриятларга риоя қилиш (ота-онани ҳурмат қилиш, кичикларга иззат, меҳр-шафқат, зино, ўғрилик ва ҳоказо) талабларининг янада универсал ва инсонпарварлик йўналиши, мазмунига эга бўлганлигини кўрсатади. Нақшбандия тариқати амалиётининг баъзи махсус талаблари, масалан намоз тиловатида, лукмада ҳалолликка ҳушёр бўлиш, худбинликни инкор этиш, тасарруфга олиш, кибрдан қочиш, зарурий пул, ҳадя, эҳсон қилиш талаби кабилар ҳам асосан умуминсоний кадриятларга риоя қилишдан четга чиқмаган.

Тасаввуфнинг энг муҳим жиҳати барча мавжудотга, шу жумладан инсонларнинг ўзига ўхшаган инсонларга меҳр-шафқат кўрсатиш талаби эди. Бу ерда гап ота-она, фарзанд, яқин қариндош ёки танишларнинг ўзаро меҳр-муҳаббати ҳақида кетаётгани йўқ. Балки, ақл-заковатга, ғурур, нафсониятга эга бўлган муқаддас зот инсоннинг у бани башарият зоти наслидан бўлганлиги учун ҳар қандай одамга, айниқса, у ночор ожиз-нотавон, ёрдамга, қаров, парваришга муҳтож қария, касал ёки онгсиз-шуурсиз бўлса беғараз ёрдам меҳр-шафқат кўрсатиш ҳақида кетмоқда. Нақшбандия таълимотига оид манбаларда инсоннинг камолотини қалб покланиши билан боғлайдилар. Чунки қалб инсонни ҳақ йўлдан бошлайди, нафс эса халққа бўлиш ва риёга йўллайди. Қалб огоҳликка ундаса, нафс ғафлатга чорлайди ва шуни туғдиради. Ғафлат эса инсонни таназзулга олиб борувчи асосий восита бўлиб ҳисобланади. Чунки ғафлатда қолган инсон унга берилган илоҳий неъмат-умрини беҳудага ўтказди ва шу билан бирга гуноҳкор эканлигини билмайди ва “Мен ёмон одам одам эмасман” деб ўзига юқори баҳо беради. Демак, нафс тарбияси қалбни покланиши билан узвий боғлиқ.

Ботиндаги нафс Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг таъкидлашича, солиқ учун биринчи тўсиқ дейилади. У “Нафсингизни эҳтиёт қилинг. Нафс ботин ишидир. Киши доимо Аллоҳ билан бўлсин ва хотирида ўзга нарсага йўл қўймасин”, дея фикрини баён этади. Инсон сабр-қаноат билан тўғри яшаши, руҳини, иродасини чиниқтира бориши, инсонийликка эриша боришидир. “Нафсинг камолот йўли хотиржамликка етишдир. Бунинг жуда катта жидду жаҳд билан амалга ошиши ва натижада зулмонийликдан покланиши даражасига етишиши” ни айтиб қўйидаги рубоийни баён этади :

*Рақс он набувадки, ҳар замон бар хези,
Бедор зе дўст чу аз миён бар хези,
Рақс он, ки зи ду жаҳон бар хези,
Дил пора куну ва аз сари жон бар хези.*

Мазмуни:

*Рақс бу шундай нарса эмаски, ҳар онда турсанг,
бедор бўлсанг, дўст бўлсанг ва орадан кетсанг,
рақс улдирки, икки жаҳондан чиқсанг,
юрагингни пора этсанг ва қайтиб тирилсанг.¹*

Нақшбандия тариқатининг шахс эстетик камолотидаги аҳамиятини қўйидаги хулосалар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, Нақшбандия тариқати қалби Аллоҳ нури билан ёритилган ва қўллари бунёдкорлик билан банд инсонлар мафқурасидир. Шу мафқурани мужассамлаштирган буюк Нақшбандия тариқати жамиятимизнинг ахлоқий-эстетик камолотида унинг ажралмас бир қисми бўлиб қолади.

Иккинчидан, Баҳоуддин Нақшбанднинг “Даст ба кору дил ба ёр” шиори шахсни ахлоқий-эстетик камолотида баркамол инсон қилиб тарбиялашнинг асосий омилларидан биридир.

Учинчидан, инсон дунёга бахтли ва фаровон яшаш учун келар экан, тўқис бахтли ҳаёт кечириш ёки кечирмаслиги ҳар бир инсоннинг ўз қўлида; Демак, инсон комилликка эришиш ва бахтли бўлиши учун ҳаракат қилиши лозим.

¹ Абдуҳолиқ Ғиждувоний. Васиятнома–Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.1993, Б3-13

Инсон комилликка ҳайр-эхсон ишлари, гўзал инсоний фазилатлари воситасида эришади.

Тўртинчидан, мазкур тариқатни комил инсонни шакллантиришга қаратилган ахлоқий-эстетик қадрият сифатида эътироф этиш мумкин. Бу таълимотда комиллик ҳақидаги сўз ва маъно эзгу ният бутун назокати, шижоат, ҳасрат ва ҳайрат манзаралар мантиқийликка асосланган бадиий образларда намоён бўлади.

Бешинчидан, ҳикмат ва тасаввуф аҳли фикрига кўра, инсонга фаолият учун инон-ихтиёр берилган, у ҳаракат қилиб, комиллик касб этиши, ниятларига этиши мумкин. Комил инсон бу инсоннинг ўзидир. Ундаги комилликнинг хислатларини соғлом муҳит, оила, жамият, устоз юзага чиқаради. Агар киши ўз ҳаёт йўлини топа олса, унинг онги мустақил ривожланиб бориб, онг ости йўналишига тушса, худди тўлқинларнинг мос келиши каби инсонда маънавий-руҳий мутаносиблик содир бўлади. У мукамал камолот йўлига киради.

Олтинчидан, Нақшбандия таълимотида илгари сурилган қоида, фикр-мулоҳазалар шахс камолоти учун дастурул амал вазифасини ўташи мумкин. Чунки, ҳалоллик, поклик, атрофидагиларга нисбатан меҳр-оқибатли бўлиш, ҳаётда эзгу-ният билан яшашга интилиш, юксак одоб-ахлоқ меъёрларига эга бўлиш каби инсоний фазилатларни таркиб топтирган бўлади, комиллик фазилатини шакллантиришга бўлган эътибор устувор аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

Мустақиллик шарофати билан давлатимизда маданий мерос, ўтмиш алломаларнинг ҳаёт фаолиятини ўрганиш, миллий қадриятларни тиклашга катта эътибор қаратилди. Шарқ халқларининг буюк мутафаккирлари, маърифатпарвар алломаларнинг фалсафий, ахлоқий-эстетик қарашлари, миллий қадриятларимиз, жумладан, диний таълимотларимизда илгари сурилган эстетикага оид қарашларни илмий жиҳатдан кенг ўрганишга киришилди.

Тасаввуф мусулмон халқларининг ахлоқига чуқур сингиб борган, бу шу даражадаки, дарвеш, сўфий ахлоқи бир ибрат, намуна сифатида олиб қаралган. Дарвеш кўпдан-кўп бадий асарларнинг қаҳрамонига айланган. “Ахлоқи Носирий”, “Ахлоқи Жалолий”, “Ахлоқи Муҳсиний” каби ўрта аср ахлоқ китобларида давлатчилик, адолатли жамият, одил ҳукмдор тушунчалари ҳам сўфиёна қарашларга боғлаб талқин этилади. Бу ғоялар бадий адабиётдан чуқур ўрин олади ва ўзига хос тасаввуф эстетикаси шаклланади. Шулар асосида комил инсон ахлоқи, маънавияти ҳақидаги қарашлар мажмуи тўпланган. Тасаввуф ғоялари бора-бора халқнинг яхшилиқ, олий ҳақиқатлар ҳақидаги ғоялар, орзулари билан қўшилиб кетади ва фольклор эстетикасига ҳам сингади.

Тасаввуф бирор-бир фалсафий тизим ўрнини эгаллашга даъво қилган эмас.¹ у бир томондан, диний, иккинчи томондан, фалсафий ирфоний қарашлардан озикланган ўзига хос таълимот ва ахлоқий уставлар мажмуидир. У инсон руҳияти эрки, инсон ички олами, ҳислари парвозини ифодалаб, Шарқ фалсафий тафаккурида муҳим ўрин эгаллаган, маънавиятимизни бойитишга улкан ҳисса бўлиб қўшилган эзгу ғоялар, нажиб, гўзал ҳикматлар силсиласидир.

Ақл билан фақат зоҳирий – диний дунёвий билимларни эгаллаш мумкин, тасаввуф эса кўнгил билан билишдир. Бунда илоҳий билимлар нур бўлиб кўнгилга қуйилади. Шунинг учун ҳам Шайх Сухравардий “Ақл илмидан қалб илми юқорирокдир”, - деган эди. Кўнгил сўфийлар учун нафақат илоҳий маърифат чашмаси, балки шунинг баробарида, оламни кўриш, мушоҳада қилиш

¹ Комилов Н.Тасаввуф –Т.:Мовароуннаҳр-Ўзбекистон.2009, 250-б

воситаси ҳамдир. Тасаввуф таълимотида, сўфий адабиётда “кўнгил кўзи билан кўриш” деган тушунчанинг машхурлиги шундан. Жалолоддин Румий “кўзни юмгил кўзга айлансин кўнгил”, деб ёзганида шуни назарда тутган бўлиши мумкин.

Битирув малакавий ишимизнинг асосий объекти бўлган гўзаллик – маънавий ва моддий хусусиятга эга бўлган, ижтимоий ҳаётда фавқуллода аҳамият касб этувчи тушунча бўлиб, нарса-ҳодисаларнинг инсон тафаккурида лаззатнинг уйғунлик, меъёр, ҳамоҳанглик, мутаносиблик мақсадга мувофиқлик асосида намоён бўлишидир. Гўзаллик комил инсон шахсини тарбиялашнинг асосий воситаларидан бири сифатида инсон эстетик дидини шакллантиришда улкан аҳамиятга эга. У инсон қалбини майинлаштиради, ёвузликдан йироқ тутади. Гўзаллик инсонни ҳар томонлама ривожланишига кўмак бериши баробарида бошқа эстетик омилларнинг жамият ҳаётида янада фаоллашувига шароит яратади. Гўзаллик нарса-ҳодисаларнинг намоён бўлишигина эмас, балки инсоннинг ўша нарса-ҳодисаларга бўлган қараши ҳамдир. Гўзалликни ўрганиш инсонни ўрганишдан бошланади.

Тасаввуф илми – мавзу, ғоя, усул жиҳатидан бошқа шаръий илмлардан ажралиб туради. Тасаввуфнинг йўли – “кашф” йўлидир. Манбаи ҳис, ақл ва ҳужжат билан бир қаторда диний ҳаёт тарзига асосланган завқ, илҳом ва кашфдир. Тасаввуф таълимотининг намоёндалари Яратганни энг олий гўзаллик сохиби сифатида эътироф этади ва айни пайтда реал олам гўзаллигига бефарқ муносабатда бўлмайди. Гўзаллик ҳақидаги фикрлар XII-XIV аср Мовароуннаҳр мутафаккирларининг қарашларида назария даражасидан кўра кўпроқ қарашлар тарзида таҳлил этилди.

Эстетик қадриятлар инсоннинг нафосат оламини бойитишга, унинг эстетик дидини ўстиришга, идрокини кенгайтиришга ҳамда инсонда улуғвор ҳодисалардан, гўзалликни яратиш кўникмаларини ҳосил қилишда устувор аҳамиятга эга. Ахлоқий қадриятлар эса халқни эзгулик сари бошлайди, унда маънавиятнинг ўзаги ҳисобланган юксак ахлоқийликни намоён эттирувчи

фазилатларни мужассам бўлади.¹ Тариқатнинг ботиний гўзалликни тараннум этувчи “Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин” шиори башарият учун маънавий эстетик қадрият манбаидир.

Баҳоуддин Нақшбанд “Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғуда бўл”,² дея насиҳат қилганлар. Бу ерда шам бўлиб ёниш – ўз Ватани, халқи, миллати учун ёниш, қолаверса ватан, ватандошлар учун равшанлик бағишлаш – нур, зиё сочиш назарда тутилган. Қоронғуда бўлишлик – ўзни фидо қилиш, шу билан биргаликда бу қилинган фидойиликни таъна қилмасликдир.

“Юксак маънавият - енгилмас куч” эканлиги ҳаётимизнинг муҳим тамойилига айланиб бормоқда. Бунда аждодларимиз илмий меросидаги гўзаллик ва улуғворлик, муҳаббат ва эзгуликка доир қарашлар барқарор тараққётни таъминлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Айниқса, бунёдкорлик ва фаровон ҳаёт яратиш йўлида Баҳоуддин Нақшбанднинг “Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин”, деган ҳикмати биз учун муҳим ҳаётий тамойилга айланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда битирув малакавий ишимиз натижалари бўйича қуйидаги **тавсияларни** тақдим этиш мумкин:

1. Тасаввуф инсонни ўзини, ўзлигини ўрганувчи илм. Ундаги ғояларни Фалсафа факультети бакалавр таълим йўналишида махсус курс сифатида жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

2. Келажак авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади. Нақшбандия тариқатининг ахлоқий-эстетик ғоялари моҳиятан комил инсон ғоясига қаратилган. Шу маънода, тарбия жараёнлари билан шуғулланадиган муассасалари учун “Нақшбандия ўғитлари” номли рисола чоп этиш зарур.

3. Нақшбандия тариқатининг илм, маърифат, тарбия билан боғлиқ ғояларини оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш ва бу борада

¹ Нурматова М. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги. (Монография)–Т.: Университет. 2009. 121-б

² Боқир Муҳаммад. Баҳоуддин Балогардон. Форсчадан Маҳмуд Ҳасаний тарж–Т.: Ёзувчи, 1993.-6206

туркум маълумотларни бериб борувчи кўрсатув, эшиттиришларни йўлга қуйиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Тошкент, Ўзбекистон, 1992.
1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият–Т.: Ўзбекистон. 1994.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998
3. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори– Т.: 1998.
4. Каримов И.А. Улуғ аллома Абдулҳолиқ Гиждувоний таваллудининг 900 йиллигига бағишланган маросимда сўзланган нутқ. ”Халқ сўзи” газетаси. 2003 йил, 28 ноябрь.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент, Маънавият, 2008.
6. Абдулла Шер, Баҳодир Ҳусанов. Эстетика. Услубий қўлланма. 2-нашр. – Тошкент, “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2010.
7. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Дарслик. Тошкент, “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2010.
8. Абдулла Шер, Баҳодир Ҳусанов. Ахлоқ фалсафаси. Нафосат фалсафаси. – Тошкент, ЎЗМУ, 2008.
9. Аликулов Ҳ. Фалсафий мерос ва маънавий-ахлоқий фикр ривожини. (Асарлар ва мақолалар тўплами) –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2009.
10. Абдулҳолиқ Гиждувоний. Васиятнома –Т.: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1993.
11. Абдурахмон Жомий (Мақолалар тўплами). –Т.: Фан, 1997.
12. Алишер Навоий. Хамса.–Т.: Шарқ. 1998.
13. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб–Т. Шарқ, 1999.
14. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. (Насрий баёни билан)–Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991
15. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб// Мукамал асарлар тўплами–Т.: Фан. 1998
16. Абу Ҳомид Ғаззолий. “Кимёи саодат”–Т.: 2000.

17. Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат–Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992.
18. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Ҳожа Баҳоуддин Балогардон–Т.: 1993.
19. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим.–Т.: Мовароуннаҳр, 2001.
20. Боқир Муҳаммад. Баҳоуддин Балогардон. Форсчадан Маҳмуд Ҳасаний тарж–Т.: Ёзувчи,1993
21. Дурдона. Мир Кулол ва Шоҳи Нақшбанд мақомотларидан–Т.: Шарқ, 1993
22. Жалолов Т. Гўзаллик оламида–Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979
23. Жомий А. Баҳористон–Т.: Ёзувчи, 1979
24. Иззат Султон. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти–Т.:Фан,1994
25. Исмоилов С. Нақшбандия тариқатининг баъзи бир илдизлари хусусида.– Мустақил Ўзбекистон.: Фалсафа фанининг долзарб муаммолари. 1-жилд. – Т.2003
26. Ислом тасаввуфи манбалари. (Тасаввуф назарияси ва тарихи)–Т.: Ўқитувчи.2005
27. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. –Т.: Фан, 1993
28. Комилов Н. Тасаввуф–Т.: Мовароуннаҳр – Ўзбекистон, 2009
29. Комилов Н. Нажмиддин Кубро –Т.: Шарқ, 1995
30. Кошифий Ҳусайн Воиз. Футувватномаи Султоний. Н. Комилов таржимаси–Т.:А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994